БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 192 (7639)
17 АВГУСТ ПАЙШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

ЎРТОҚ И. В. СТАЛИНГА РАПОРТЛАР (1-нчи бет).

Партия, ҳукумат қарори асосида пахта йиғим-теримига тайёргарликни кучайтирайлик! (1-нчи бет).

А. Ортиқов. — Ижодий марксизм хазинасига қўшилган янги ҳисса (2-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **С. Каримов.** — Қишлоқ советларининг фаолиятига кўпроқ э'тибор берилсин (2-нчи бет).

Салоҳ Ҳасан.—Йириклашган колхозда дастлабки кунлар (3-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **С. Анорбоев.** — «Коммунизм бўсағасида» достони ҳақида (3-нчи бет).

Асқад Мухтор. — Чин муҳаббат (4-нчи бет).

Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитетининг қурия халқига мурожаати (4-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Қишлоқ бошланғич партия ташкилотларининг жанговар вазифалари

Совет халқлари олдида улуғвор ва жанговар вазифалар турибди. Урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни барча соҳалар бўйича муддатидан илгари ошириб бажариш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш, пахтачиликни ривожлантириш ҳамда табиатни ўзгартириш сталинча планларини бажариш учун Сталин замонасининг олижаноб кишилари социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб юбордилар. Улар стахановча тинчлик вахтасида туриб мамлакатимизнинг куч-қудратини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Республикамиз олдида мамлакатимиз учун ғалла, ёқилғи ва металл сингари муҳим аҳамиятга эга бўлган пахта етказиб бериш ва бу йил давлатга ҳар йилдагидан ҳам кўп пахта ҳосили топшириш каби умумдавлат аҳамиятига эга бўлган шарафли вазифа турибди. Бу вазифани тўла-тўкис бажариш ўзбек халқининг ватанпарварлик бурчидир.

Газетамизнинг кечаги сонида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарори э'лон қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарорида бундай дейилади:

«Ҳозирги вақтда партия, совет ташкилотлари, пахтачилик ва қишлоқ хўжалик министрликларининг органлари тайёрлаш системасининг ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг вазифаси август ойида ғўза парваришини сусайтирмай, қизғин давом этдириш блан бирга, ҳарбир колхоз ва совхозда ҳосилни йиғиб-териб олиш ва топширишга пухта тайёрланишдан, бу ишларни, нобудгарчиликка сра ҳам йўл қўймай, юқори сифатли қилиб ўтказишдан, ҳарбир колхоз ва совхознинг 1950 йилда пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятини бажариш учун социалистик мусобақани кенг кучайтириб юборишдан иборатдир».

Бу вазифани бажаришда қишлоқ бошланғич партия ташкилотларининг зиммасига жуда катта ва мас'улиятли вазифалар юклатилади.

Ғўза парваришини муваффақиятли тугаллаш, пахта тайёрлашни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш юзасидан ҳамма тайёргарлик ишларини бажариш учун бутун имкониятлар ва моддий техника воситаларидан тўла ҳамда унумли фойдаланиш, нобудгарчиликка қарши қат'ий кураш олиб бориш, пахтани кўсакларнинг очилишига қараб саноат сортлари бўйича пешма-пеш териб боришни та'минлаш ҳаммадан аввал қишлоқ бошланғич партия ташкилотларининг зиммасига тушади.

Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан амалий тадбирларни белгилаши, бу қарорни партия мажлисларида кенг колхозчилар ва совхоз ишчилари иштирокида муҳокама қилишлари, кишлоқ коммунистларини энг муҳим участкаларга биркитиб қўйишлари ва уларнинг илғорлар даражасида бўлишини та'минлашлари, ҳамма ишни пухта тузилган иш плани асосида уюштиришлари керак. Мўл ҳосил учун курашнинг ана шу ҳал қилучи пайтида колхоз ва совхозларда оммавий-сиёсий ишларни ҳарқачонгидан ҳам кучайтириб юбориш, дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантириш, пропагандист ва агитаторларнинг юксак савияли, чуқур мазмунли, оммабоп лекция ва суҳбатлар ўтказишларига эришиш айниқса муҳим вазифадир.

Республикамизнинг кўпгина районларида колхозларни йириклаштириш, кичик колхозларни йирик қишлоқ хўжалик артельларига айлантириш иши кучайиб кетди. Йириклашган колхоз жуда кўп моддий ва техника имкониятларига, ишчи кучларини жой-жойига қўйиб фойдаланиш, агрономия фани ва илғор тажрибанинг ютуқларидан кенг фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ҳозиргидан ҳам ошириш, жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш имкониятига эгадир. Йирик колхозларда катта-катта клублар, электр станциялар, маданият уйлари, тураржой бинолари, лекториялар қуриш имконияти ортади. Йириклашган колхозда йирик бошланғич партия ташкилоти ҳам вужудга келадики, у колхоз олдида турган вазифаларни тўла-тўкис амалга оширишда ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини танқид ва ўз-ўзини танқидни-ҳартарафлама ривожлантириш шиори остида олиб боришлари керак. Партия ходимлари улуғ Сталининг қўйидаги кўрсатмаларини ҳаммавақт эсда тутишлари ва унга амал қилишлари лозим. «Агар партия танқид ва ўз-ўзини танқиддан қўрқмаса, агар у ўз ишидаги хато ва камчиликларни бўяб кўрсатмаса, агар у кадрларга партия ишидаги хатоларни кўрсатиб та'лим берса ва тарбияласа, агар у ўз хатоларини ўз вақтида тузатаолса, бундай партия енгилмайди».

Кўпгина қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш шиори остида уюштирдилар. Ана шундай колхоз ва совхозларда оммавий-сиёсий ишлар ҳам, ташкилий-хўжалик ишлари ҳам, ғалдаги вазифаларнинг амалга оширилиши ҳам яхши йўлга қўйилган.

Аммо ҳамма жойда ҳам бошланғич партия ташкилотларининг иши яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. «Норпой» совхозининг партия ташкилоти (партия бюросининг секретари ўртоқ К. Ҳакимов) танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтирмаган. Сиёсий-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмаган, партия бюросининг а'золари далаларда онда-сонда бўладилар, ҳақиқий аҳволни билмайдилар. Бошланғич партия ташкилоти ма'лум план асосида иш олиб бормайди, партия мажлислари камдан-кам ўтказилади, чиқарилган қарорларнинг ижроси текширилмайди.

Шунингдек Ҳазорасп район Қораёнтоқ қишлоқ советидаги Димитров номли колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Авазов) ғўза парваришига етарли э'тибор бермайди. Кўпгина коммунистлар ғўза парваришида қатнашмайди, далада колхозчилар учун қулай шароит яратиб берилишига э'тибор қилинмайди, колхозда дала шийпони, болалар боқчаси ва яслиси йўқ. Оммавий-сиёсий ишлар унутилиб қўйилган.

Ўзининг ташкилотчилик, авангардлик ролини тушуниб етмаган, колхозчиларни ва совхоз ишчиларини пахтадан мўл ҳосил олиш ишига сафарбар қилмаётган айрим бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини қайтадан кўриб чиқишлари, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, ижрони текширишни кучайтириш йўли блан республика олдида турган муҳим вазифани бажариш ишига муносиб ҳисса қўшишлари керак. «...Ижрони текширишда кўзланган мақсадга эришмоқ учун, лоақал, икки шарт зарур: биринчидан ижрони текшириш онда-сонда бўлмасдан, балки системали равишда ўтказилиши лозим; иккинчидан, ижрони текшириш ишларига партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг бутун шохобчаларида иккинчи даражали шахслар эмас, балки обрўли кишилар—ташкилотлардаги раҳбарларнинг ўзлари етакчилик қилишлари лозим» (Сталин).

Область ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг ишига раҳбарликни ҳартарафлама кучайтиришлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарьларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туришлари, ишдаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида очиб ташлашлари, бу йил давлатга мўл пахта ҳосили етказиб бериш каби муҳим вазифанинг тўла-тўкис бажарилишини та'минлашлари керак.

Қишлоқ бошланғич партия ташкилотларининг, область ва район партия комитетларининг, совет, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларининг муҳим вазифаси пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва топширишга тайёрланишдан, пахта теримида меҳнатни тўғри уюштириш, уруғлик пахтани тайёрлаш, белгиланган жойларда пахтани машина блан териш, пахта қабул қилишни уюштириш, пахта сифатини яхшилаш ва юқори сортли пахтани кўпайтириш, нобудгарчиликка қарши кураш ҳамда пахта теручиларга ва пахта топширучиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни большевикча ташкил қилиш ва ўтказишдан иборат.

И. В. СТАЛИН АСАРЛАРИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ВА ЎНИНЧИ ТОМЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти И. В. Сталин Асарларининг тўққизинчи ва ўнинчи томларини ўзбек тилида нашр этди.

Бу Асарларни ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс—Энгельс — Ленин институтининг Ўзбекистон филиали таржима қилган. (ЎзТАГ).

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Ўрин Азимовни Ўзбекистон ССР Совхозлар министри қилиб тайинлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ М. Муҳаммаджонов бошқа ишга кўчганлиги сабабли, уни Ўзбекистон ССР Совхозлар министри вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ 5-нчи Сессиясининг очилиши ҳақида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ 5-нчи Сессияси 1950 йил 19 август, эрталаб соат 11 да, Алишер Навоий номидаги театр биносида очилади.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ бешинчи сессиясига келган депутатлар шу йил 17 август эрталаб соат 10 дан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида (Ҳукумат уйи, 2-нчи под'езд) рўйхатга олинадилар.

МОСКВА, КРЕМЛЬ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР, Винница областининг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга ма'лум қиламиз.

Бу йил давлат тайёрлаш пунктларига 1949 йилдагига нисбатан 1 миллион 162 минг пуд ортиқ ғалла топширилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш плани 2 миллион пуд ошириб бажарилди. Буғдой ва жавдари буғдой 1949 йилдагига нисбатан 13 миллион пуд ортиқ тайёрланди. Кузги рапс экинини тайёрлаш плани 129 процент бажарилди.

МТСларнинг ишлари учун, берилган счётларга мувофиқ, давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Областьдаги колхоз ва совхозлар кузда ва баҳорда экиш учун юқори сифатли уруғларни тўла ғамлаб қўйдилар. Шу йил 31 июльда кузги рапсни экиш тамомланди.

Колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалик ходимлари колхоз ва совхозларда маҳсулдор жамоат чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планини бажариш учун курашиб, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш соҳасида катта ишлар қилдилар ва қилмоқдалар.

Бу йил колхоз ва совхозлар жамоат чорва молларини юқори сифатли ем-хашак блан тўла та'минлайдилар. Колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилиги учун дон ва ем-хашак фондларини вужудга келтирадилар.

Бу йил колхозчилар меҳнат кунларига ўтган йиллардагига қараганда анча кўпроқ дон оладилар.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳозирги вақтда областимизнинг асосий техника экини бўлган қанд лавлаги ҳосилини, жўхори, кунгабоқар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини муваффақиятли суратда йиғиштириб олиш учун пухта тайёрланмоқдалар, улар кузги экинлар экишни юқори сифатли ўтказишга, шудгор қилишга киришдилар ҳамда кузда дарахт ўтказишга тайёргарлик кўрабошладилар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович!

Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари Сизни ишонтириб айтадиларки, давлатга жўхори, кунгабоқар, чорвачилик маҳсулотлари топшириш, қанд лавлагини ковлаш ва ташиб олиш, кузги экинлар экиш, шудгор қилиш планларини ҳам муддатидан илгари бажарадилар.

Украина К(б)П Винница область комитетининг секретари М. СТАХУРСКИЙ.
Меҳнаткашлар депутатлари Винница область Совети ижроия комитетининг раиси Г. ДЕМЕНТЬЕВ.
Тайёрлаш министрлигининг Винница областидаги вакили А. РЯБУХИН.
Винница область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи А. ГОРОХОВСКИЙ.

МОСКВА, КРЕМЛЬ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР, Черновица областининг колхоз, совхозлари ва деҳқон хўжаликлари мўл ҳосилни муваффақият блан йиғиштириб олганликлари ва ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликларини Сизга ма'лум қиламиз. Буғдой ва жавдари буғдой давлатга ўтган йилдагига қараганда қарийб икки баравар ошиқ топширилди.

Областьдаги ёш колхозлар большевиклар партияси Марказий Комитети, Совет Ҳукуматининг ёрдами туфайли ва қадрдон Иосиф Виссарионович, шахсан Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли бу муваффақиятларга эришдилар.

Областьдаги колхоз ва совхозлар уруғларни жамғариб қўйдилар, бутун қишлоқ хўжалик ишларини тугаллаш ва 1951 йилда юқори ҳосил олишни та'минлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил колхозчилар меҳнат кунларига ўтган йилдагидан кўпроқ ғалла оладилар.

Областьдаги колхозлар колхоз ва совхоз маҳсулдор жамоат чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планини муваффақиятли бажариш учун курашиб, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш ва молларнинг қишда боқилишини та'минлаш соҳасида ҳам катта ишлар қилмоқдалар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Сизни ишонтириб айтамизки, Черновица область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида Сиз томондан қўйилган ҳамма вазифаларни бундан кейин ҳам большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида шараф блан бажарадилар ва фидокорона меҳнат қилиб, севикли Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлайдилар ҳамда бутун дун'ёда тинчлик учун курашадилар.

Украина К(б)П Черновица область комитетининг секретари Д. ГАПИЙ.
Меҳнаткашлар депутатлари Черновица область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. МАРКИН.
Тайёрлаш министрлигининг Черновица областидаги вакили Г. ХАРЧЕНКО.
Черновица область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Г. ДУДНИК.

Тинчлик қизил карвонлари

УРГАНЧ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Хоразм областининг колхоз далаларида ва Амудар'ё этакларида бу йил мўл ғалла ҳосили етиштирилди. Шу кеча-кундузда бу ҳосилни ўриш-янчиш ва давлатга топшириш ишлари зўр уюшқоқлик блан бораётир.

Ҳазорасп районининг колхозларида ғалла ўриш, янчиш жуда тез сур'ат блан ўтмоқда. Колхозларда тинчлик карвонлари ташкил қилиниб, давлатга кўплаб ғалла топширилаётир. Район колхозчилари давлатга ғалла топшириш планини ошириб бажариш блан бирга, уруғлик қарзларини ва МТС натура ҳақини ҳам тўлаб бўлдилар ва 1950 йил кузда экиш учун етарли миқдорда уруғлик жамғардилар.

Шу районнинг Бешдаҳа қишлоқ советидаги Ленин номли, Карвак қишлоқ советидаги «Ленинизм», «Ленин йўли», Саноат қишлоқ советидаги «Саноат» ва Фрунзе номли колхозларнинг а'золари «Ошиқча ғалла — давлатга» деган шиор остида тинчлик карвонлари ташкил этдилар. «Ленинизм» ва «Ленин йўли» колхозлари давлатга пландан ташқари 5 минг пуд ғалла топширдилар.

Хева, Янгиариқ, Хонқа районларининг колхозлари ҳам тинчлик қизил карвонлари ташкил этиб, давлатга кўплаб қўшимча ғалла топширмоқдалар. Хева район, Сталин қишлоқ советидаги «VII Партс'езд», Карл Маркс номли, «Учқун» ва Сталин номли колхозлар давлатга пландан ташқари кўплаб ғалла топширмоқдалар.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ШАРАФИГА

Экскаваторчиларнинг муваффақияти

Тошкент область, Мирзачўл районидаги Экскаватор станциясининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ер қазиш ва тупроқ чиқариш ишларида катта муваффақиятга эришмоқда.

Коллектив 7 ойлик планни 167,4 процентга етказиб бажарди. Станциянинг илғор бригадалари ҳозирданоқ йиллик планни бажариб қўйдилар. Ўртоқ Мусаев бошлиқ экскаваторчилар бригадаси йиллик планини 7 ойда 127 процент, ўртоқ Маркин бошлиқ бригада 117 процент ва ўртоқ Мураков бригадаси 107 процент бажариб, йил охиригача пландан ташқари яна бирнеча юз кубометр ер қазиш мажбуриятини олдилар.

Экскаваторчилар яқинда бўлиб ўтган йиғилишда Тошкент экскаватор станцияси коллективининг мактубини муҳокама қилиб, йиллик планни сентябрьгача бажариш мажбуриятини олдилар.

А. РОЗИҚОВ.
Р. КАРИМОВ.

ҚАНД ЗАВОДЛАРИДА ЯНГИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛИК

САМАРҚАНД, («Қизил Ўзбекистон» **мухбиридан**). Областьдаги қанд заводлари янги лавлаги ҳосилини қабул қилиш ва қанд ишлаб чиқариш мавсумига қизғин тайёрлик кўраётирлар. Заводларда ускуналар, машиналар, бинолар, транспорт воситалари ремонт қилинмоқда, ёрдамчи бинолар қурилмоқда, меҳнат унумини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Зерабулоқ қанд заводининг ишчи ва инженер-техник ходимлари стахановча тинчлик вахтасида туриб, ускуналар ремонтини графикда белгиланганидан олдин тамомламоқдалар. Заводда келтирилган лавлагини бўшатиш учун авторазгрузка ўрнатилди, юк тушириш ишларининг механикалаштирилиши лавлаги бўшатишни 10 марта тезлатади ва кўп ишчи кучини тежаш имкониятини беради. Завод электр станциясида йирик кўмирларни майдалайдиган кичик тегирмон ишга туширилади.

Завод атрофидаги ишчилар шаҳарчасида янги уй-жой қурилмоқда. Водопровод ўтказилмоқда.

Красногвардейск қанд заводида ҳам капитал ремонт ишлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Ғ. АШУРОВ.

Партия, ҳукумат қарори асосида пахта йиғим-теримига тайёргарликни кучайтирайлик!

☆

Пунктлар янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёр

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида» қабул қилган қарорини Янгийўл районининг пахтакорлари зўр мамнуният блан кутиб олдилар. Колхозлар ғўзанинг охирги парваришини давом этдириб, ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашиш блан бирга, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Шунингдек, пахта қабул қилиш пунктлари, партия, ҳукуматнинг қарори муносабати блан, янги ҳосилни қабул қилишга яна ҳам қизғин тайёрланабошладилар.

Шўралисой ва Свердлов пахта пунктларининг ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарорини радио орқали эшитгандан кейин тайёргарлик ишларини тезда тамомлашга киришдилар.

Бу пунктларда бинолар муддатидан илгари ремонтдан чиқарилди. Пахтани сақлайдиган омборлар тартибга солинди. Бунтларнинг бузилган жойлари тузатилди. Тарозилар кўздан кечирилиб, ремонт қилинди, 4 та авто-тарози тузатилиб, тахт қилиб қўйилди. Пунктларнинг чегарасидаги йўл ва кўприклар тузатилди. Шу кунларда ҳар икки пунктда ҳам брезент ва қанор тайёрланмоқда. Пахтани ёнғиндан сақлаш юзасидан барча тадбирлар кўрилди, ҳовузлар сув блан тўлдириб қўйилди.

Бу йил пахта ҳосили мўл бўлганлиги учун пунктларда иш ҳажми анча ортади. Шуни назарга олиб, қабул пунктларида ишчи, хизматчиларнинг штатини мустаҳкамлашга катта э'тибор берилди ва улар тегишли кадрлар блан тўла та'мин этилди.

Ю. ШВАРЦМАН.

☆ ☆ ☆

Ғўза парвариши теримга тайёргарлик блан боғлаб олиб борилмоқда

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган мактуби Андижон область Ленин районидаги илғор колхоз а'золарининг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Улар ҳарбир шонани гулга, гулни кўсакка айлантириш ва ҳамма ерда мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар.

Зарбдор қишлоқ советидаги 644 гектар пахта майдонига эга бўлган Каганович номли колхоз а'золари Мактубга жавобан 38 ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганлар. Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Тешабой Мат'ёқубов) бу ва'дани шараф блан бажариш мақсадида ғўза парвариши учун қўшимча 104 киши ажратди. Иш устидан назорат янада кучайтирилди, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар ҳартарафлама яхшиланди. Социалистик мусобақа қизитилди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ҳарбир колхозчи август ойида энг ками 45—50 тадан меҳнат куни ишлаш ҳақида берган ва'дасининг устидан чиқиш учун тинмай курашмоқда.

Колхозда ғўза авваллари ҳар 13 — 15 кунда бир марта парвариш қилинар эди. Ҳозир 10—11 кунда чопиқ ва культивация қилинмоқда. Ҳозиргача колхознинг ғўзаси олтинчи парваришдан чиқарилди. Уч марта озиқлантирилди ва беш марта суғорилди. Колхознинг барча ерида мўл ҳосил етишмоқда. Бекмирза Холмирзаев, Саттор Маткаримов ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги паст ғўзалар август ойида тез-тез парвариш қилиниб, ҳосилдор ғўзалар даражасига етказилди, ҳозир бу ғўзаларнинг ҳарбир тупида 18—20 тадан кўсак бор.

Колхозда ғўза парваришини давом этдириш блан бирга пахта йиғим-теримига ҳам зўр тайёргарлик кўрилмоқда. 15 та янги арава сотиб олинди. 22 эски арава ва унинг асбоблари ремонт қилиб қўйилди. Пахта ташийдиган отлар боқилмоқда, теримчилар учун кўп ҳоналик этаклар тайёрланмоқда. Ҳамид Султонов, Раҳматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда хирмон жойлари ҳозирлаб қўйилди, тарозиларни ремонт қилиш тамомланди. Колхозчилар мавсумда 7 минг, 10 минг килограммдан пахта теришга ва'да қилмоқдалар.

Шу қишлоқ советидаги Куйбишев номли, Саидобод қишлоқ советидаги Ленин номли ва «Ленинчи» колхозларида, САКУ қишлоқ советидаги «Давлат» колхозида ҳам ғўза парвариши қизғин давом этдирилиб, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари кўрилмоқда. Бу колхозларда омборларни тозалаш ва дезинфекция қилиш, йўл ва кўприкларни ремонт қилиш, хирмон жойлари ҳозирлаш ишлари қизғин бораётир.

М. БОБОШ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАЛАР

Ўзбекистон матлубот жамияти пахта йиғим-терими яқинлашиши муносабати блан теримчиларга маданий савдони кенг йўлга қўйиш юзасидан бирқанча тадбирларни амалга оширмоқда. «Узбекбирлашув» президиуми бу масалани муҳокама қилиб, махсус қарор чиқарди.

Бу йил республикамизнинг барча районларида ва колхоз қишлоқларида 1000 та дўкон очиш мўлжалланади. Пахта теручиларга хизмат қилиш учун 500 та сайёр дўконлар ишлайди.

«Узбекбирлашув»нинг маҳаллий савдо ташкилотлари орқали колхозларга жуда кўп миқдорда ғалла, ёғ, чой, қанд ва бошқа саноат моллари сотилади. Пахта теручилар учун 100 миллион сўмлик турли газламалар ажратилди.

Колхозларга сотиш учун 800 та ҳар турли радиоприёмник, патефок ажратилди. Болалар боқчаси ва яслиси учун зарур буюмлар район матлубот союзларига юборилади.

Булардан ташқари колхозчилар ўртасида маданий-оқартув ишларини кенг йўлга қўйиш учун далада сайёр дўконлар орқали колхозчиларга китоб сотиш ҳақида кўрсатма берилди.

Т. АҲМЕДОВ.

☆

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик кучайтирилди

Тошкент область, Қорасув районидаги колхозларда ғўзанинг сўнгги парвариши сусайтирмай давом этдирилмоқда. Шу блан бирга колхозлар мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарори муносабати блан колхозлар пахта йиғим-теримига тайёргарликни янада кучайтириб юбордилар.

Қўйлиқ қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз а'золарининг йиғилишида партия ва ҳукуматимизнинг бу қарори зўр қизиқиш блан муҳокама қилинди. Йиғилишда колхоз раиси ўртоқ М. Камолов бундай деди:

— Бу йил колхозимизда шу вақтгача бўлмаган мўл пахта ҳосили етишди. Биз ҳосилни нобуд қилмай, қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириш учун барча тайёргарлик ишларини тез кун ичида тугаллашимиз, бешмингчи, ўнмингчилар ҳаракатини теримнинг дастлабки кунлариданоқ кучайтиришимиз керак.

Колхозчилар йиғилиши пахта йиғим-теримини барвақт тугаллаш юзасидан зарур тадбирлар белгилади. Колхозда ҳозиргача 260 та этак, 220 қоп тайёрланди, 13 арава, автомашина ремонтдан чиқарилди, отлар боқилмоқда.

Қорасув қишлоқ советидаги «XVIII партс'езд» колхозининг а'золари бу йил 365 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта бериш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариш учун далада фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхозда чиндан ҳам мўл ҳосил етишган. Колхозчилар партия ва ҳукумат қарорига амалий иш блан жавоб бериш учун барча тайёргарлик ишларини тугаллаётирлар. Колхоз правлениеси пахта теримини 25 августдан бошлашни планлаштирди. Планга мувофиқ, август ойида давлатга йиллик планнинг 5 проценти ва сентябрь ойида 60 проценти миқдорида пахта топширилади.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Ижодий марксизм хазинасига қўшилган янги ҳисса

(ЎРТОҚ СТАЛИННИНГ А. ХОЛОПОВГА ЖАВОБИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

Сўнгги икки ой мобайнида ўртоқ Сталиннинг совет тилшунослигига доир ғоят муҳим мақоласи ва бирқанча ўртоқларнинг саволларига жавоблари эълон қилинди. Бу асарларда ўртоқ Сталин кўпчиликни қизиқтирган мураккаб назарий масалаларни буюк доҳиёна аниқлик билан ёритиб берди ва марксизм-ленинизм таълимоти хазинасига бебаҳо янгиликлар қўшиб, бу таълимотни ижодий равишда янада ривожлантирди. Ўртоқ Сталиннинг бу қимматбаҳо асарлари тилшунослигида буюк ва чуқур ўзгариш ясаб, совет тилшунослигини ижодий тараққиёт йўлига, СССРдаги социалистик миллатларнинг маданий ижодиёти практикаси билан мустаҳкам боғланиш йўлига солиб юборди. Ўртоқ Сталиннинг бизнес ва устқурма, уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги янги таърифлари фақат тилшуносликдаги чалкашликларгагина эмас, балки умуман бутун ижтимоий фанлардаги, хусусан диалектик ва тарихий материализмдаги чалкашликларга ҳам чек қўйди. Бу билан ўртоқ Сталин марксизм-ленинизм назариясини юксак босқичга кўтарди, барча фанлар учун ижодий тараққиётнинг кенг йўлини очиб берди.

Ижодий марксизмни янада ривожлантиришда, марксизм-ленинизм назариясини янги, конкрет тарихий шароитларга моҳирлик билан қўллашда, догматик марксизмга, ақидапараст ва талмудчилар (қироатхонлар, харфхўрлар)га зарба беришда ўртоқ Сталининг А. Холопова яқиндагина эълон қилинган жавоб хати ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ўртоқ Сталин ўз жавоб мактубида ижодий марксизм билан догматик марксизм ўртасида ғоят катта принципиал тафовут борлигини, марксизм догма эмас, балки ҳаракат қўлланмаси эканлигини, марксизмнинг моҳиятига асосланмай, унинг ҳарфига таслим бўлиш, ундан ижодий равишда қўлланмай, цитаталар ёдлаб олиш догматизмга, ақидапарастликка, провардида оппортунизмга олиб боришини конкрет мисоллар билан исботлаб берди. Шу билан бирга, ўртоқ Сталин марксизмга классик таъриф бериб, бу таърифда марксизм — ижодий таълимот эканлигини, унинг ҳеч қандай догматизмга бутунлай ёт эканлигини уқдириб ўтди.

☆

Ўртоқ Сталин партиянинг VI с'ездида: «Догматик марксизм ва ижодий марксизм бор. Мен ижодий марксизм заминида тураман» деган эди. Дарҳақиқат, ўртоқ Сталин ўзининг бутун революцион фаолияти давомида ва барча асарларида ижодий марксизм заминда мустаҳкам туриб, догматизмга, марксизмни сийқалаштиришга, ўтмаслаштиришга, уни вульгарлаштиришга ревизионист ва оппортунистларга қарши муросасиз кураш олиб борди.

Маркс ва Энгельс, бизнинг таълимотимиз догма (ақида) эмас, я'ни ўзгармайдиган, қотиб қолган, ривожланмайдиган таълимот эмас, балки ижодий таълимотдир, ҳаракат учун қўлланмадир, деб бирнеча марта таъкидлаб ўтган эдилар. Ҳақиқатан ҳам уларнинг бой ва табий мероси хазинасига кирган барча асарлари ижодий фикрнинг, эскиликка ва турғунликка қарши курашнинг ажойиб намунасидир. Шу сабабдан ҳам улар ижод этган, фанда буюк революцион ўзгариш ясаган янги маслак ишчилар синфининг «...шундай ҳайрихоҳлигига мушарраф бўлдики, бундай ҳайрихоҳликни у расмий фандан изламаган ва қутмаган эди» (Карл Маркс. Сайланган асарлар, 1 том, 451 бет Ўздавнашр, 1942).

Бу маслакка (марксизмга) қарамақарши равишда унинг душманларидан бир гуруҳи ўзларини марксизмга мухлислар (тарафдор ишчилар) деб эълон қилиб, амалда бу таълимотни догмага айлантиришга уринадилар. Улар марксизм ниқоби остида пойма-пой фикрлар тарқатдилар, бу таълимотнинг айрим қоидалари «эскирган», уни тузатиш керак, деб унинг революцион моҳиятини тафтиш қилдилар. Ана шу ревизионистлар, оппортунистлар талқин қилган марксизм тарихда догматик марксизм деб ном олган. Догматик марксизмнинг кўзга кўринган вакиллари Каутский, Вандервельде, рус экономистлари, меньшевиклари ва бошқалардир.

Ма'лумки, догма (ақида) деган тушунча исботланмаган бир қоидани кўр-кўрона равишда тўғри деб қабул қилиб, исталган жойда қўлайберишни билдиради. Догматизм эса эскиликни, умрини ўтаган нарсаларни ёқлайдиган, янгиликка, тараққийпарвар кучларга қарши курашадиган назарий системадир. Бу системада асосий ўринни дин ташкил этади.

Агар бирор тўғри қоида ёки таълимот диалектик асосда эмас, балки метафизик асосда, конкрет тарихий шароит, ўрин ва вақтни ҳисобга олинмаган ҳолда қўлланилса, у даҳлол догмага айланиб қолади. Ленин ва Сталин шуни эътиборда тутиб, барча оппортунистларнинг марксизмни догматик тарзда бузишларга қақшатгич зарба бериб келдилар. Ленин ва Сталин марксизмнинг софлиги учун, унинг ижтимоий тараққиёт жараёнидаги янгиликлар билан узлуксиз бойиб, такомиллашиб борадиган чинакам революцион таълимот бўлиши учун тинмай кураш олиб бордилар.

Ленин ўзининг дастлабки асарларида, хусусан «Бизнинг программамиз» (1899) деган мақоласидаёқ, биз, рус марксистлари, бутун марксистик назария заминида турамиз, бу назария социализмни хаёлдан фанга айлантирди, пролетариатга ижтиқодий ва маънавий зулмдан қутилиб, тамомила янги жамият қуриш йўлларини кўрсатиб берди, деган эди. Шу билан бирга, Ленин бизнинг вазифамиз бу назарияни янги тарихий шароит ва ўз мамлакатимизга татбиқан янада ривожлантиришдан иборатдир, деб уқдириб ўтган эди. Ижодий марксизмнинг буюк вакили Ленин қуйидагиларни ёзган эди: «Биз Маркс назариясига асло қандайдир тамомига етган ва қўл тегизиб бўлмайдиган бир назария деб қарамаймиз, аксинча, биз бу назария, агар социалистлар турмушдан орқада қолишини истамасалар, ҳарто монлама ривожлантиришлари лозим бўлган фаннинг фақат туб асосларинигина яратиб берган, деб биламиз. Рус социалистларининг Маркс назариясини мустақил равишда ишлаб чиқишларини айниқса зарур деб ўйлаймиз, чунки бу назария умумий дастур бўладиган қоидаларигинина чизиб берган ва бу қоидалар, янка-янка олганда, Францияга нисбатан Англияда бошқача, Германияга нисбатан Францияда бошқача, Россияга нисбатан Германияда бошқача қўлланилади». (Ленин, Асарлар, 4 том, Ўздавнашр, 222 бет).

Ленин ўзининг барча асарлари ва амалий фаолиятида марксизмни тарихий вазиятга қараб ижодий равишда татбиқ этишнинг мислсиз намуналарини кўрсатди, Владимир Ильич марксизмни ижодий равишда ривожлантириб, пролетариат синфий курашининг янги шароитларидаги, империализм ва пролетар революцияси давридаги, ер юзининг олтидан бир қисмида социализм галаба қозонган даврдаги марксизм бўлган ленинизмга асос солди. Совет Россияси эса ана шу ленинизмнинг ватани бўлиб қолди.

Ўртоқ Сталин 1927 йилда биринчи америка ишчи делегацияси билан қилган суҳбатида ва Ленин тўғрисидаги бошқа мақолаларида марксизм хазинасига Ленин қўшган янгиликларни кўрсатиб берди. Булардан ма'лумки, Ленин капитализмнинг сўнгги монополистик босқичи бўлган империализмнинг хусусиятларини очиб берди; марксизмда бош масала бўлган пролетар диктатураси ҳақидаги назарияни ривожлантирди, бу диктатуранинг давлат шакли бўлган совет ҳокимиятини кашф этди. Яна, Ленин капитализмнинг империализм даврида текиссиз ривожланиш қонунига асосланиб, бир мамлакатда социализмнинг галаба қозониши мумкинлиги назариясини ишлаб чиқди; у Маркс—Энгельснинг пролетар гегемонияси, ишчи-деҳқон иттифоқи ҳақидаги фикрларини янада конкретлаштириб, миллий масалани, социалистик революциянинг резерви тўғрисидаги масала бўлган миллий мустамлака масаласини ишлаб чиқди: Ленин ўз устозларининг партия тўғрисидаги фикрларини янги типдаги партия тўғрисидаги ҳолат ва мунтазам таълимотга айлантирди.

В. И. Ленин марксизмнинг социализм галабаси, бу галабадан сўнг давлатнинг тақдири, пролетариат диктатурасининг сиёсий шакли ҳақидаги таълимотларини янги таълимотлар билан бойитди.

Ўртоқ Сталин А. Холоповга берган жавобида Ленин ва унинг шогирдларининг бир мамлакатда социализм галабаси ва пролетариат давлатининг тақдири тўғрисида Маркс билан Энгельс таърифлаб берган таълимотни қандай қилиб ривожлантириб, янги таълимот билан бойитганликлари ҳақида иккита кичкрет мисол келтирди. Бу мисоллар шуни кўрсатадики, «ВКП(б) тарихи қисқа курси»нинг «Хотима» қисмида айтилганидек, агар Ленин марксизмнинг ҳарфига таслим бўлиб, эски қоидаларига асосланганда, уларни догмага айлантирганда эди, пролетариат ва унинг партияси адашиб қолар эди, марксизм назарияси жиддий зарар кўрар эди, пролетариат ютқизар, унинг душманлари ютиб чиқар эдилар.

«Марксизм, — дейди ўртоқ Сталин ўз жавобида, — ўз тараққиётида янги-янги тажрибалар, янги-янги билимлар билан доимо бойиб боради, — демак, унинг айрим формулалари ва хулосалари замон ўтиши билан ўзгариб туради, янги тарихий вазифаларга мувофиқ келадиган янги формула ва хулосалар билан алмаштириб турилади. Марксизм, ҳамма давр ва замонларга албатта мувофиқ келавермайдиган ўзгармас хулоса ва формулаларни тан олмайди. Марксизм ҳақиқатдан догматизмнинг душманидир».

Ўртоқ Сталин «ВКП(б) тарихи қисқа курси»да Маркс билан Энгельснинг ҳамда Ленининг пролетар диктатураси давлат шаклига қандай қараганликларини мисол келтирди. Ленин бу масалада ҳам, марксизмни ривожлантирганлигини исботлайди. Маркс—Энгельс капитализмдан социализмга ўтиш даврида жамиятнинг энг мақбул сиёсий ташкилот шакли парламентар демократик республикадир, деган эдилар. Ленин 1 ва II рус революцияларининг тажрибасига суяниб, пролетар диктатурасининг энг мақбул сиёсий шакли совет республикасидир, деган доҳиёна хулосага келди. Оппортунистлар, догматиклар парламентар республикага тиш-тирноқлари билан ёпишиб олиб, Ленинни марксизмдан четга тойишда айбладилар. Ленин бўлса уларга кескин зарба бериб, марксизмни бойитди, олга сурди.

Демак, марксизм-ленинизм таълимотини эгаллаш, унга амал қилиш унинг таърифи ва хулосаларини қуруқ ёдлаб олиш, уларни ҳеч ўзгармайдиган, даҳлсиз қоида деб қабул қилишдан иборат эмас. Бу таълимотни эгаллаш ва уни татбиқ этиш унинг ҳарфи билан ма'носи, шакли билан мазмуни ўртасидаги тафовутни, унинг асл моҳиятини билиб олишдан, пролетариат синфий курашининг амалий масалаларини ҳал этаётганда ундан ижодий тарзда фойдаланишдан иборатдир. «... Марксист кечаги кунинг назариясига ёпишиб қолабермасдан, жонли турмушни, воқеликнинг аниқ фактларини ҳисобга олиб бориши лозим деган шак-шубҳасиз ҳақиқатни уқиб олиш зарур...». (Ленин, Асарлар, 24 том, 26 бет).

Улуғ Ленин ишларининг давомчиси ўртоқ Сталин марксизм-ленинизм назариясини ҳормай-толмай ривожлантириб, унинг хазинасига битмас-туганмас бойликлар қўшмоқда. И. В. Сталин мамлакатимизда социализм галабаси мумкинлиги ҳақидаги масала соф илмий, назарий масаладан кун тартибига қўйилган амалий масала бўлиб қолди деб кўрсатди. Ўртоқ Сталин марксизмни ижодий тушунишнинг классик намунасини кўрсатиб, троцкичи-зиновьевчи хоинларга ўлим зарбасини берди. Партия тарихидан ма'лумки, бу хоинлар Маркс ва Энгельсни рўкач қилиб, ўзларининг реставраторлик, ревизионистик программаларини, разил афти-башараларини яширишга уринган, амалда эса марксизм-ленинизмга ҳиёнат қилган, инглиз-америка империалистларига сотилган, СССРда социализм галабаси имкониятини йўққа чиқариш йўлини излаган эдилар. Ўртоқ Сталин уларга ғоявий жиҳатдан зарба бериб, Ленининг бир мамлакатда социализм қуриш мумкинлиги ҳақидаги назариясини душманлардан ҳимоя қилиб, уни ривожлантиргина қолмай, балки бир мамлакатда коммунизм ҳам қуриш мумкинлиги ҳақидаги мукаммал ва яхлит таълимотни яратди. Бу таълимот партиямизда ва совет халқида келажакка мустаҳкам ишонч туғдирди, йўлимизни маш'алдек ёритиб, ҳаракат программасини белгилаб берди.

Шуниндек, ўртоқ Сталин совет давлати ривожининг тажрибасига суяниб мавжуд шароитдаги аҳволни, яқин келажакдаги шароитни таҳлил қилиб, капиталистик қуршов тугатилмаса, давлат социализм давридагина эмас, ҳатто коммунизм даврида ҳам сақланиб қолади, деган хулосани чиқарди. Шундай қилиб, давлат, унинг вазифалари, келажаги тўғрисидаги масалаларга тўла аниқлик киритилди. Бу таълимот ҳам коммунистик қурилишнинг истиқболи учун буюк назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ Сталин партиянинг XVIII с'ездида, марксизм классикларидан узоқ келажакда ҳарбир айрим мамлакатда тарихнинг барча ҳодисаларини белгилаб беришни талаб этиш, ҳал қилиб қўйилган масалаларни кейинчалик қайта-қайта тапираберишимизга имкон беришларини талаб этиш кулгилидир, деб айтган эди. Фақат догматик марксизм тарафдорлари, қироатхонлар ва ҳарфхўрларгина шундай талаб қўйишлари мумкин. «Қироатхонлар ва талмудчилар,—дейди ўртоқ Сталин,—марксизмни, марксизмнинг айрим хулоса ва формулаларини, жамиятнинг тараққий этиш шароити ўзгаришига қарамасдан, «ҳеч қачон» ўзгармайдиган догматлар йиғиндиси деб қарайдилар. Улар, агар биз шу хулоса ва формулаларни ёдлаб олиб, тўғри келгунича, пала-партиш цитата қилиб келтираберсак, шу билан биз ҳарқандай масалаларни ҳал қилаоламиз деб ўйлайдилар. Бунда улар ёд қилиб олинган хулоса ва формулалар ҳамма замон ва ҳамма мамлакатлар учун, ҳаётда бўладиган ҳамма ҳодисалар учун тўғри келаберади, деб ўйлайдилар. Лекин марксизмнинг ҳарфига ёпишиб олиб, унинг моҳиятига етмайдиган, марксизм хулосалари ва формулаларининг текстини ёдлаб олиб, уларнинг мазмунини тушунмайдиган кишиларгина шундай ўйлашлари мумкин».

Мана бу доҳиёна кўрсатмалар ёш марксистларни хато йўлга, қироатхонлик, юзакичилик ва қуруқ амалиётчилик йўлига кириб кетишдан сақлайди. А. Холопов каби бу йўлга кирабошлаган кишиларни огоҳлантириб, уларга тўғри йўлни кўрсатиб беради.

Мана бу кўрсатмаларда марксча — ленинча назариянинг ғоят муҳим хусусияти — унинг ижодий характерга эга эканлиги, назария — қотиб қолган, ўлик, қуруқ догма эмас, балки жанговар ва ўткир қурол, ҳаракат учун қўлланма эканлиги уқдириб ўтилган.

☆

Хулоса қилиб айтганда, ижодий марксизм—ривожланадиган, пролетариат синфий курашининг тажрибалари билан бойиб, янги тарихий шароитга мувофиқ равишда янги мазмун билан тўлиб борадиган революцион таълимотдир. Бинобарин, марксча-ленинча назария «... ўз тараққийсида янги тажрибалар билан, янги билимлар билан бойимасдан қололмайди! Унинг айрим қоидалари ва хулосалари эса вақт ўтиши билан ўзгармасдан қололмайди, янги тарихий шароитларга мувофиқ келадиган янги хулосалар ва қоидалар билан алмашинмасдан қололмайди». («ВКП(б) тарихи қисқа курси», 448 бет). Шунинг учун бу назарияга ақидалар тўплами деб, софдил марксистларга эса ақидапарастлар, қироатхонлар деб қараш ярамайди.

Догматик марксизм — вульгарлаштирилган, соҳталаштирилган, айрим қоида ва таърифлари ҳамма замон ва шароитлар учун бир хил қолипга солинаберадиган, истаган жойда ишлатилаберадиган ақидалар тўпламидир. Марксизм душманлари — II Интернационал оппортунистлари, троцкичи-бухаринчилар ва бошқа хоинлар марксизмнинг, ишчилар ҳаракатининг ривожланишини тўхтатишга, ишчиларда социализм галабасига бўлган ишончни йўқотишга уриндилар. Улар ўз хоинликларини марксизмга содиқлик байроғи остига яшириш учун, марксизмнинг эскириб қолган айрим қоидаларига ёпишиб олиш ва уларни догмага айлантиришга ҳаракат қилдилар. Энди бундай ниқоб остига яширинишдан бирор натижа чиқишига ишонмай қолган ҳозирги замон ўнг социалистлари—Бевин, Эттли, Спаак, Жюль Моч, Реннер, Сарагат, Шумахер ва бошқалар тўғридан-тўғри буржуазия лагерига ўтиб, марксизмга ҳуруж қилмоқдалар, бу доҳиёна таълимотни йўқотиш, меҳнаткашлар онгидан «чиқариб ташлаш» учун беҳуда уринмоқдалар.

Югославиядаги Тито, Ранкович бошлиқ буржуа миллатчилар марксизм-ленинизмнинг буюк таълимотидан юз ўгириб, империализмнинг ёлланган малайларига—жосусларга айланиб қолдилар. Улар америкали уруш оловини ёқучи, тинчликнинг ашаддий душмани бўлган Уолл-стрит корчалонлари билан бирга, халқаро ишчилар синфининг душманлари бўлган ўнг социалистлар билан бирга, марксизм-ленинизм ғояларига, тинчликка, социализмга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Ижтимоий тараққиёт қонунларига асосланган, ҳаққонийлиги ва ижодийлиги билан омманинг онгига сингиб, зўр моддий кучга айланган, Ленин ишларининг улуғ давомчиси ўртоқ Сталин томонидан ижодий равишда ривожлантирилаётган марксизм—ленинизм таълимоти дунёда энг қудратли, энг таъсирчан ва ҳаётчан таълимот сифатида тантана қилмоқда.

А. ОРТИҚОВ.



Ўзбекистон ипакчилик саноатининг илмий текшириш институти ипак сифатини яхшилашга ёрдам берадиган бирқанча янги усулларни ишлаб чиқди. Институт илмий ходимларидан С. З. Пашинский ва М. В. Голиков ўртоқлар бошлиқ группа ипакни узмайдиган янги асбоб тайёрлаб бердилар. Суратда: **С. З. Пашинский** (чапда) ва **М. В. Голиков** ўртоқлар ўзлари ихтиро қилган машинани созламоқдалар.

В. Лейн фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Маданият хроникаси

НАМАНГАН

◆ Ушинский номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўрта мактабларнинг ўқитувчилари учун 25 кунлик семинар ўтказди. Семинарда адабиёт назарияси, адабий ўқиш методикаси, болалар адабиёти ва бошқа темаларда лекциялар ўқилди.

И. Назруллаев.

ҚАШҚАДАРЁ

◆ Қарши район, Дашт қишлоқ советидаги Сталин номли тўлиқсиз ўрта мактаб янги ўқув йилига намунали тайёрланди. Мактаб учун қўшимча равишда янгидан 5 та хона қурилди.

Б. Турдиев.

АНДИЖОН

◆ Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг коллективи Андижонга гастролга келди. Театр коллективи тамошабинларга «Учқундан аланга», «Генерал Раҳимов», «Ҳамза», «Алишер Навоий», «Гамлет» спектакльларини кўрсатди.

Л. Маҳмудов.

ХОРАЗМ

◆ Область радиоахборот комитети область музикали драма театри коллективи ва областьдаги ёзучи ҳамда композиторлар билан биргаликда «Тинчлик қуйлари» номли эшиттириш ташкил этди. Радио орқали ташкил этилган бу эшиттиришда Қ. Камолов шоир Ғафур Ғуломнинг «Яшасин тинчлик!» шеърини, Қўзи Қурбонниёзов «Тинчлик учун» номли ўз шеърини ўқиб бердилар. Раҳим Бекниёзов «Урушга ўлим!» шеърини ўқиди.

«Тинчлик қуйлари» номли эшиттириш ҳар ҳафтада бир марта ўтказилиб турилди.

М. Худойберганов.

ТОШКЕНТ

◆ Чирчиқ шаҳрида бадиий ҳаваскорларнинг Бутуниттифоқ кўригига кизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Электрохимия комбинатининг драма тўгараги К. Симоновнинг «Шаҳримизнинг йигити» номли пьесасини тайёрламоқда. «Средазхимпаш» заводининг бадиий ҳаваскорлар тўгараги А. Корнейчуқнинг «Украина далаларида» пьесасини ва «Боқчасарой фонтани» балетини тайёрламоқда.

А. Левак.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Қишлоқ советларининг фаолиятига кўпроқ эътибор берилсин

Қишлоқ совети доирасида жойлашган колхозлар, мактаблар, алоқа бўлими, тиббий пункт, сельпо ва бошқа маданий-маиший муассасаларга меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ советининг ижроия комитети раҳбарлик қилади. Халқимиз улуғ «Ленин — Сталин партиясининг раҳбарлиги остида коммунизм сари ишонч билан бораётган ҳозирги даврда қишлоқ советлари олдидаги вазифалар янада мураккабдир. Уз ишларини ҳозирги кунинг ўсиб бораётган юксак талаблари даражасига кўтарган қишлоқ советлари маданий қурилиш ва хўжалик тараққиётининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётирлар.

Ғиждувон район, Районобод, Говшун Фришкент қишлоқ советлари, Кармана районидаги Ҳазора қишлоқ совети Бухоро областидаги энг яхши қишлоқ советлари ҳисобланадилар. Районобод, Говшун ва Фришкент қишлоқ советларида пахта ҳосили йилдан-йилга кўтарилиб, колхозлар ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланмоқдалар, колхозчиларнинг моддий ва маданий фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. Бу қишлоқ советлари маданий қурилиш ва ободончилик жиҳатидан областьдаги барча қишлоқ советларига намуна бўладилар. Бу қишлоқ советлари маданий қурилиш ва хўжалик соҳасида эришган муваффақиятлари учун Узбекистон ССР Министрлар Совети томонидан бирнеча марта мукофотландилар.

Кармана район, Ҳазора қишлоқ советида 6 та колхоз бор. Бу қишлоқ советида ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармаган бирорта ҳам звено қолмади. Қишлоқ советига собиқ батрак Ўртоқ Хурсанд Эгамова 12 йилдан буён раислик қилади. Ўртоқ Эгамованинг ташаббуси билан қишлоқ йигит ва қизларидан врачлар, ўқитувчилар ва механизация кадрлари етишиб чиқди. Қишлоқда болдар, янги тураржойлар, мактаб, клуб, кутубхона ва электр станциялар қурилди. Ўртоқ Эгамова Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Бухоро область Совети ва Кармана район Советининг депутати, Ўзбекистон К(б)П Бухоро область ва Кармана район комитетларининг а'зосидир. Ленин — Сталин партиясининг улуғ ишига чексиз берилган бу совет ҳокимининг кўкрагини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва ниқита медаль безаб турадн.

Ўзбекистон К(б)П нинг X с'езди партия ташкилотлари олдига давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига раҳбарликни тубдан яхшилаш, ҳусусан қишлоқ советларининг ролини кўтариш, совет демократияси принципига қатъий риоя қилиш, совет ишларини тобора жонлантириш вазифасини қўйди. Афсуски, Бухоро областидаги айрим район партия ва совет ташкилотлари бу соҳада кўзга кўринарли иш қилган эмаслар. Бунга бирнеча мисол келтириш мумкин.

Уба қишлоқ совети — пахтачиликда Рометон районида салмоқли ўрин тутади. Қишлоқ советидаги 7 та колхозда жамоат ғорвачилиги йилдан-йилга ривожланмоқда. Хўш, район ижроия комитети ва район партия комитети Уба қишлоқ советига қандай раҳбарлик қиладилар?

Қишлоқ советининг секретари Ўртоқ Ҳақбердиев бизга қоғоз билан тўла 20 та чақирув қўрсатди. 1950 йилнинг 1 январидан 25 июнигача район партия комитети ва район ижроия комитетидан 43 та ҳужжат, 50 дан ортиқ телефонограмма, 60 га яқин план, график, лойиҳа... юборилган. Район страхование инспекцияси, молия бўлими, ҳалқ маорифи, соғлиқни сақлаш бўлимлари, Тайёрлаш министрлигининг район вакили ... ва бошқа муассасалардан келган қоғозлар бу ҳисобга кирмайди.

Район қишлоқ хўжалик бўлимининг бир йил 14 июньда юборган алоқа хатида шундай бема'ни сўзлар ёзилган «... Ушбуни олиш билан қишлоқ хўжалик ҳаракунандаларини бир кун муддат ичида йўқотишга мажбур этиласиз. Начальник Азизов». Район ижроия комитетидан юборилган яна бир «муҳим» ҳужжатда айнан шулар ёзилган: «Ромитан район ижроия комитети мажбур қиладиким, қишлоқ советингиз чегарасидаги бўлган колхозлар ва граждан хўжаликларда зарарланган айвонларга давлат страхованиеси қилинсин. Райижроком раиси Арипов. 29/V 50 г. 301».

Айвонни қандай страхование қилиш мумкин ахир?

— Тушунолмаганимиздан, делога тикиб қўяқолдик, — дейди Ўртоқ Ҳақбердиев. — Бундай алоқа қоғозлари кошки битта-яримта бўлса. Деярлик ҳар куни юбориладиган хатларнинг ҳаммаси шу тарзда тутуриксиз сўзлар билан тўлиб-тошган.

Прокурор Авезов, маданий оқартув бўлимининг ходими Ботиров, район комсомол комитетининг секретари, терговчи, страхование инспектори, ҳуллас районда ким эринмаса, истаган фармойишини қишлоқ советларига юборабераверади.

Рометон район ижроия комитети ва район партия комитетининг қишлоқ советларига қилаётган амалий «раҳбарлиги» ана шунақа.

1949 йилнинг декабрь ойидан ҳозиргача қишлоқ советининг сессияси чақирилмагани, қишлоқ совети ўз депутатларидан айралиб қолгани ҳам район партия ва совет ташкилотлари томонидан қилинган «амалий раҳбарлик»нинг оқибатидир.

Маҳаллий советларнинг ролини меъсимаслик, уларга юзаки ва расмий раҳбарлик қилиш, кўп ҳолларда эса, ма'муриятчиликка йўл қўйиш, қишлоқ совети раислари ва секретарларини сессия рухсатидан ташқари ишдан олиш ҳодисалари Бухоро областида кўплаб юз бераётир. Броқ меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитетининг раҳбарлари бундай фактлардан тегишли хулоса чиқаролмай келадиларки, қишлоқ советларининг ишларидаги нуқсонлар ана шундан келиб чиқмоқда.

С. КАРИМОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Колхоз қишлоғи обод бўлмоқда

Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз пахта тайёрлаш планини йил сайин ортиғи билан бажариб келмоқда. 1949 йилда 405 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,8 центнердан ҳосил етиштирилиб, план ортиғи билан бажарилди ва давлатга топширилган пахта учун ҳамда мевачилик ва сабзавотчиликдан жам'и 8 миллион сўмга яқин даромад қилинди.

Колхозчилар катта даромад олдилар. Колхозчи Абдурани Ҳамидов 12 минг 35 сўм пул ва 1.231 килограмм ғалла ҳамда анчагина картошка, шоли, сабзавот, мева олди. Стахановчи Ханифа Низомова 16 минг сўм пул ва 1.476 килограмм ғалла олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Колхозда ободончилик йил сайин яхши йўлга қўйилмоқда. Ҳозир шу колхоз ўрнашган қишлоқ бутунлай ўзгариб кетган. Жуда кўп янги биналар солинган. Қишлоқнинг марказидаги ҳашаматли катта бино ва кўп хонали идора, кутубхона, қироатхона, меҳмонхона ва бошқа биналар қишлоққа ҳусн бўлиб тушган.

1949 йилнинг ўзидаёқ колхознинг узоқ участкаларига секретарь, пахтачилик участкаларига кишлоқ чойхона, клуб, қироатхона ҳамда колхозчилар учун 36 та янги уй-жой қурилди. Шунингдек 3 та отхона ва 3 та молхона учун бино солинди.

Колхоз 1950 йилда яна анча бино қуришни планлаштирди. Шу жумладан, колхознинг Киров номли участкасида еттийиллик мактаб биноси, клуб ва қизил чойхона, намунали боғча, ясли, қўшимча уч хонали идора биноси ва колхозчилардан 30 кишига янги уй-жой қурилади. Колхоз қишлоғининг марказида ҳам бирқанча янги бино солиниши ва янги кўчалар очилиши мўлжалланади.

Колхозчиларнинг маданияти борган сари ортмоқда. Улар кровать, шкаф, диван, стол, стул, радиоприёмник, патефон, велосипед, мотоцикл ва бошқа нарсалар сотиб олмоқдалар.

Х. ИКРОМОВ.

БЕРКИНМАЧОҚ

ФЕЛЬЕТОН

Бу сўздан сиз эҳтимол болалигингизни эслагандирсиз, кечалари ўз тенгқурларингиз билан беркинмачоқ ўйнаганингиз, кўчани тўзитиб югуришганингиз, бир-бирингизни излаган, қувлаганингиз кўз олдингиздан ўтгандир.

Агар бордию, биров сизга катта ёшдаги кишилар беркинмачоқ ўйнайди деса ишонмардингиз? Ишонмайсиз. Лекин бу ҳол онда-сонда учраб туради. Буни худди шу кунларда Тошкент областининг Мирзачўл районида кўриш мумкин.

Беркинмачоқ ўйновчилар, бир томондан, — район партия комитети партия, профсоюз, комсомол органлари бўлимининг мудири Асан Дойирбеков ва иккинчи томондан, — райондаги колхоз раислари. Бу беркинмачоқнинг болаларнинг ўйинидан фарқи бор, албатта. Мирзачўлдаги беркинмачоқ фақат кечалари эмас, кундузлари ҳам ўйналаверади. Иккинчидан, беркинмачоқда қўлга тушган бола одатда бошқаларни излаб топиши ва тутиши лозим бўлса, Мирзачўлдаги беркинмачоқда колхоз раислари нуқул Дойирбековдан яширинадилар. Дойирбеков уларни қувганиқувган. Бу ўйиннн яхши билган кишиларга ма'лумки, қувишда тутилган бола ҳеч қандай жарима тўламайди. Аммо Дойирбековнинг қўлига тушган раис уни бирон нима билан рози қилиши шарт.

Дойирбеков колхозга борди дегунча, раҳбарлар дарров яшириниб, бир зумда кўздан ғойиб бўладилар. Агар унинг узоқроқда келаётганини кўрсалар ёки эшитиб қолсалар, дарҳол колхоз секретарига қуйидаги гапни та'кидлайдилар:

— Мен фалон жойда бўламан, агар Дойирбеков келса, раис узоқ бригадага чиқиб кетган, бугун қайтиши даргумон, деб айтинг.

Молотов номли колхоз раиси Ўртоқ Сойиб Назаров яқинда бир зарур иш билан район партия комитетига борди. Ишини битириб чиқаётиб беҳосдан Дойирбековга дуч келиб қолди. Кўл бериб сўрашгандан кейин, ундан тезроқ қутилиш тараддудига тушди. Лекин Дойирбеков гапни бошқа ёқдан айлантириб келиб, унинг ҳайрлашишига йўл қўймади.

— Ўртоқ Назаров, энди биз токай сизлар учун жавоб бериб юрамиз, бизга ҳам тинчлик борми-йўқми?

— Нима бўлибди? — сўради раис.

— Билиб турибсиз, билмасликка солинасиз-а? Сизнинг ҳақингиздаги шов-шув республика ташкилотларигача бориб етди-ку. «нима бўлибди» дейишингиз қизиқ тағин?! Айбни сизлар қиласиз, жавобини биз бериб юрамиз.

— Ғап нима ўзи, аҳир?

— У ёғини сўрманг. Мен район партия комитетида ишлар эканман, сизга ҳеч қандай дог тушмайди. Ҳаммасини ўзим тўғрилайман.

Ўртоқ Назаров воқеанинг нималигини яна қайтариб сўради.

— Ёғга билан эмас, оғзи билан ҳам юрадиган кишилар топилади. Ўшалардан кўпроқ сақланинг. Сизнинг ҳақингизда дув-дув гап... — деди Дойирбеков ва энг охири асосий мақсадга келди.—Эҳ, яна нима ҳам демоқчи эдим да... Ҳа, айтгандек бугун меникига бир машинада гўзапоя юборсангиз.

Бу бош-кетидан тортқи гапдан дийдиё нафас бўлган Ўртоқ Назаров масалага энди тушунди...

Дойирбеков аввал раисларнинг қўйнига қўл солиб кўради. Агар сўзи ўтабермайдиган бўлса гапни вазминдай бошлайди. Бордию, раис бўшроқ кўринса, дарров буйруқ бериб ва яхши қилишга ўтади.

У бир кун Сталин номли колхозга чиқиб борди. Раисни тополмай «асосий мақсадга ни қилга айтишни» билмади. Районга қайтиб келгач, колхоз раисини телефонда ушлаб олди.

— Алло, Ўртоқ Раймжон Муҳаммедович? Салом! Бу қанақаси, колхозингизга бориб сизни тополмадик, қаерда юрасиз ўзингиз? Хўш, майли, гапни қисқа қилайлик. Ўзларингизга ишлаб кўйса, «холинг нима кечди» демас экансизлар. Энди, топшириқ беришга тўғри келади. Шу икки-уч соат ичида колхозингиздан Менинг ўйимга бир машина ўтин олиб келишингиз керак. Агар ўзингизда бўлмаса машинан ғизга минасиз. Охунбобоев номли колхозга ўтиб, ўтинни ўша ердан топиб келасиз ва дарров район партия комитетига, менга телефон қоқиб хабар берасиз. Тушунгингизми? Ғап тамом!

Сталин номли колхоз бу йил 810 гектар ерга чигит экиб, колхоз а'золарга гектар бошига 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу гигант колхоз олдида катта-катта хўжалик вазифалари турипти. Ўша парвозининг айни қизғин даврида бу колхоз раисининг Дойирбековга ўтин ташишдан ҳам, мухимроқ ишлари кўп.

Раис «буйруқ»ни эшитиб, нима жавоб қилишини билмади, табиати хира бўлди, аммо район партия комитетининг ходимини ҳижолатга қўйишга истамай, «ҳа» ҳам демай, «йўқ» ҳам демай, телефон трубкасини жойига қўяолди. Ҳайтовур шундан кейин телефон орқали «алло, алло» бўлмади.

Кўп ўтмасдан, кар эшитганини қўймас, деганларидек, Дойирбековнинг қулоғига иссиқроқ бир гап чалиниб қолса шунинг ҳетидан қувиб, зериктиради. У бир кун «Коммуна» колхози партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Норматовда бирнеча эчки борлигини билиб қолди. Шундан кейин ётиб уйқуси келмади, унга телефон қоқди:

— Ал

Йириклашган колхозда дастлабки кунлар

Яқинда Назарбекдаги «Большевик» ва «Коминтерн» колхозларининг аъзолари аввал бир-бирларининг фикрларини олишиб, икки колхозни бирлаштиришга бамаслаҳат қарор қилдилар. Колхознинг сувли экин майдони 1.000 гектардан ошди. Бир-бирига ёнма-ён бўлган бу икки колхознинг ер-суви, бошқа шароитлари бир хил бўлиб, икки колхоз ҳам Жўнариқдан сув ичар, икки колхозни мана шу кичкина ариқ бир-биридан ажратиб турар эди.

Ҳар икки колхознинг аъзолари, активлари бу колхозларни бирлаштириш учун қанча фикрлашган, ҳартомонни ўйлаб иш кўрган бўлсалар, катта колхозга раислик қилувчи киши, колхоз правлениесининг раиси ҳақида ҳам шунча кўп фикрлашдилар. Кўпчиликнинг фикрича, «Большевик» колхозининг раиси ўртоқ Хожия Юсупова йириклашган колхозга раис бўлиши керак. Масала умумий йиғилишда ҳам шундай ҳал бўлди. «Коминтерн» колхозининг аъзолари ҳам Хожия Юсуповани раис қилиб сайлашни таклиф қилдилар. Улар ўз таклифларини қувватлаш учун Хожия Юсупованинг ёшликдан ана шу Назарбек қишлоғида ўқиб, ўсганини, жамоат ишида катта тажрибаси борлигини, маълумотли, одобли, сергайрат эканлигини айтдилар.

Бу икки колхознинг аъзолари ўртоқ Хожия Юсуповани йириклашган катта хўжаликка — «Большевик» колхозига раис қилиб янглишмадилар.

Орадан кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, йириклашган «Большевик» колхозида катта ишлар қилинмоқда. Хожия ишни, ишлабчиқариш бригадаларини мустаҳкамлашдан, дала ишларига раҳбарликни яхшилашдан, колхознинг ҳамма еридан, ҳамма турдаги экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун кучларни жой-жойига тўғри тақсимлашдан бошлади.

Илгари «Большевик» колхозининг пахта майдони 105 гектар бўлиб, колхоз бирлашгунча бу ердаги ғўзалар 4 марта чопиқдан чиқарилган, текис ҳосилга кирган эди. «Коминтерн» колхозида эса 90 гектар ердаги ғўзанинг ярмидан кўпи ҳали 4-чи чопиқ қилинмаган, кўп жойлардаги ғўзаларни ўт босган эди. Хожия Юсупова колхоз янги правлениесининг мажлисини чақирди. «Большевик» колхози ҳосилот советининг илғорлари раиси ўртоқ Чоларонни «Коминтерн» участкасига, «Коминтерн» колхозининг раиси ўртоқ Дўстжоновни «Большевик» участкасига ҳосилот совети раиси қилиш ва икки участкада ҳам ишни янада яхшилаш масаласи қўйилди. Бу ҳаммага маъқул бўлди. Шунингдек «Коминтерн» участкасидаги 7-чи бригадани мустаҳкамлаш учун коммунист Ризадавлатов бригада бошлиғи қилиб тайинланди. Тажрибакор сувчи Мақсуд Соатов ҳам «Коминтерн» участкасидаги 9-чи бригадага юборилди. Икки колхоз партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб, партия ташкилоти бирлашди ва катта колхознинг партия бюроси секретарьлигига «Коминтерн» колхозининг раиси ўртоқ Дўстжонов сайланди.

Йириклашган «Большевик» колхозининг правлениеси ва партия ташкилоти ғўза парваришини яна ҳам кучайтириш, ҳосилга ҳосил қўшиш учун колхоздаги асосий кучни дала ишларига сафарбар қилдилар. Колхоз партия ташкилоти Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубини колхозчиларга пухта тушунтирди. Ғўзани пахта очилгунча парвариш қилиш тадбирлари белгилаб чиқилди.

Икки участкада ҳам илғор бригада ва звенолар қаторида, орқада қолаётганлар ҳам бор эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳар икки участкадаги бригада ва звеноларнинг ишларини ўзаро текширишни уюштирдилар. «Большевик» участкасидаги Худойберди Юсупов бошлиқ бригаданинг аъзолари «Коминтерн» участкасидаги Ортиқбоев бошлиқ бригаданинг ғўзаларини текшириб, баъзи эгатлардаги ғўзаларнинг таги юза чопилганлигини, ҳозир тўза парваришини тўхтатиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини, ғўзани пахта етилгунча яна бир марта парвариш қилиш зарурлигини аниқладилар. Ортиқбоев бошлиқ бригаданинг аъзолари ҳам ўз навбатида Юсупов бошлиқ бригадада ҳашаротга қарши кураш бўшлигини, чоканна қилганда чилпиндилар ғўза тагига ташлаб кетилаётганини аниқладилар ва бу ишнинг ҳосил учун зарарли эканини тушунтирдилар.

Йириклашган колхознинг ташкилий давридаги бу тадбирлар колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш учун катта ёрдам бермоқда. Ҳозир колхознинг 195 гектар ердаги ғўзаси 6-чи чопиқдан, 7-чи культивациядан чиқарилиб, қондириб суғорилди. Шу кунларда колхознинг қайси участкасига, бригадасига борманг, текис ҳосилга кириб, очилай деб турган кўсакларни кўриб, ҳавасингиз келади.

— Мана бу ғўзани қаранг, — дейди соҳларини чамбарак қилиб, енгини тирсагигача шимариб олган колхоз раиси Хожия Юсупова, — юқоридаги шохларида ҳам ҳозир кўсакни етилтириб қолди. Бу шохлардаги кўсаклар одатда октябрь ойига бориб етилар эди. Энди биз ана шу юқори шохдаги кўсакнинг пахтасини ҳам сентябрьда терамиз.

Бир текис чеканкадан чиққан, тагида милдираб сув оқаётган бу ғўзалар Маҳамад Холиқов бошлиқ звенога қарайди. Бу звеноларнинг аъзолари эрта кўкламда бўлган мажлисда 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганлар. Улар йил бўйи шундай ишлаганларки, бу ғўзалар ҳозирнинг ўзидаёқ 40—50 центнердан дарак бермоқда. Шунинг учун ҳам Маҳамад Холиқов энди: «35 эмас, 50 центнер бермасак уят бўлади», дейди. Шунинг учун ҳам бу звеноларнинг аъзолари кетман дастасини қисқартиб, ҳали ҳам ғўза тагларини юмшатмоқдалар. Ер атрофидаги, уватлардаги ўтлиқ юлмоқдалар. Звенонинг икки аъзоси мевасининг қўлларидан ётиб қолган ба'зи ғўзаларни кўтариб тиргович қўйиб чиқмоқдалар.

Хожия Юсупова эрта тонгда далага чиқади. Қайси бригада ёки звенонинг ерида бошқалардан кўра бир оз ўсишдан қолган 5—10 туп ғўза кўрса ҳам, ўшанга махсус эгат орқали сув келтириб, «шарват» бердирмоқда, алоҳида чопдириб, парвариш қилдирмоқда.

Хожия Юсуповани ҳозир фақат кечқурунларигина идорадан топиш мумкин. Кечқурун бутун правление состави йиғилиб, бугунги ишнинг якуни тўпланади, эртаги ишнинг режаси тузилади. Хожия бригада ва звено бошлиқлари билан гаплашиб, кеча топширилган ишлар қандай бажарилганлигини текширади. У ҳар кун бирон янгиликни топади. Кеча Оржигулнинг звеносидаги қизлар раисни лўппак очилган янги пахта билан қарши олдилар. Бу йилги меҳнатнинг дастлабки меваси Оржигулларни қандай қувонтирган бўлса, Хожияни ҳам шундай севинтирди. Қизлар билан бирдам сўрашиб, нариги пайкалга ўтар экан, сувалган хирмонни кўрди. Эртага ҳамма бригада бошлиқларини чақириб, йиғим-теримга тайёрлик ҳақидаги топшириқ қандай бажарилганини кўриб чиқиш кераклигини ён дафтарига ёзиб қўйди.

Юсупова «Коминтерн» участкасига борганда, кўп йиллардан бери экилмай тўқай бўлиб кетган 20 гектарча ерни кузда ҳайдатиш учун қамиш ўришга алоҳида кишилар ажратишни лозим топди. Ариқ бўйларидаги, уватлардаги, тепаликлардаги хашак ва янтоқларни кўрди. Беда билан қаноатланмасдан, ана шу ўтларни ўрдириш, чорва молларига қиш учун шу ернинг ўзидан хашак тайёрлаш керак деган фикр хаёлидан ўтди.

Хожиянинг бу фикрлари, ана шу планлари амалга оширилмоқда. Колхоз ғўза парваришини бўшаштирмагани ҳолда, пахта йиғим-теримига тайёрланмоқда. 160 колхозчи ғўза тагларини юмшатмоқда. Икки «универсал» ёнига тўсиқ ўрнатиб ғўзани культивация қилмоқда. Бригада хирмонлари текисланиб сувалмоқда, этак ҳозирланмоқда. Барча бригадаларнинг отлари боқувда, аравалар эса ремонт қилинган. Кузда ҳайдалиши керак бўлган тўқайдан қамиш ўрилиб, ташландиқ ерни ишга солишга киришилди. Махсус хашак тайёрлаш бригадаси колхоз территориясидан ҳозирнинг ўзидаёқ 100 тоннадан ортиқ хашак тайёрлади.

Хожия Юсупова, Дўстжонов ўртоқлар «Большевик» колхозини келажакда Тошкент қишлоқ районида энг илғор колхозлардан бирига айлантиришда партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ёрдамига, колхоз активларига, барча колхозчиларнинг фидокорона меҳнат қилишларига суянадилар. Колхоз активларининг таклифи билан колхознинг кўп йиллардан бери қурилиб битмаган катта клуби Улуг Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллиги кунигача битказилмоқчи. Кузда янгидан боғ қилинади. Ҳозир кўчат ҳозирлашга киришилди. Колхозда янги қулубнайзор учун кўчат ўтказилмоқда.

Хожия Юсупова ўрта ма'лумотга эга. У яқинда ВКП(б) а'золигига қабул қилинди. Хожия ўз билимини тинмай ошириш учун ҳаракат қилади, ВКП(б) тарихини мустақил ўрганади, адабиётга ҳам қизиқади, қишлоқ хўжалигига доир китобларни кўп ўқийди. У, «Ғўза агротехникаси» деган китобчани ўқиб, деҳқончиликка доир анча янгиликларни ўрганди. Катта колхозда ҳамма ердан мўл ҳосил олиш учун биринчи навбатда алмашлаб экишни йўлга қўйиш ҳам зарурлигини билди. Шунинг учун ҳам «Большевик» колхозида ҳозир алмашлаб экишга ўтиш схемаси тузилмоқда. Кузда ҳамма ерлар академик Вильямс усулида ҳайдалмоқчи.

Колхоз ҳозир давлатга ғалла, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш планини бажарди. Колхозчилар 195 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг албатта бажарилишига тўла ишонган ҳолда, ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қилиш учун курашмоқдалар.

Салоҳ ҲАСАН.



Тошкент давлат баликчилик хўжалиги ўрта Осиёдаги дар'ё ва ҳовузларда карп балиғини урчитиш юзасидан катта ишлар олиб бормоқда. **Суратда:** Давлат балиқ хўжалигининг ходимлари **Е. Ф. Воробьева** (чапда) ва **С. Гариева** ўртоқлар бир яшар карп балиғини текшириб кўрмоқдалар.

А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қанд лавлаги ҳосилига ҳосил қўшиш учун тинмай курашайлик

Ўзбекистон лавлагикорлари бу йил лавлаги ҳосилини Тошкент областида гектар бошига 270 центнергача, Фарғона ва Самарқанд областъларида 250—269 центнергача оширишлари керак.

Кўпгина илғор лавлагикорлар лавлагини юксак агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Норпой районидаги «Юлдуз» колхозининг ўтган йили гектаридан 842 центнердан ҳосил олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Очил Абдиев участкасида лавлаги тупи ҳар куни 8 — 9 граммдан ортмоқда. Шу райондаги Охунбобоев номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Салим Каюмов бошлиқ звеноларида ҳам лавлаги серҳосил бўлиб ўсмоқда. Бу звеноларда ўтган йили гектаридан 832 — 850 центнердан ҳосил олинган эди.

Қўқон районидаги Сталин номли, Янгийўл районидаги «Сталинчи», Горки районидаги «Ленинчи» колхозларининг а'золари гектаридан 500 центнердан ҳосил олиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Бу колхозларда ҳарбир туп лавлаги ҳозиргидан ўртача ҳисоб билан 400—450 граммга етади. Лавлагининг бундан буён яна яхши парвариш қилиниши эса бу колхозларнинг ўз социалистик мажбуриятларини тўла бажаришларини таъминлайди.

Аммо кўпчилик колхозларда, айниқса Самарқанд областидаги ва Тошкент областининг Оҳангарон районидаги колхозларда лавлагини парвариш қилиш кечиктирилмоқда.

Булунғур районида ҳосил тўпланадиган июль ойида лавлагизорларни уч марта суғориш, уч марта культивация қилиш, икки марта чопиш ўрнига, атиги 1 марта суғорилди, 1 марта культивация қилинди, 1 марта кетман чопиғи ўтказилди, холос.

«Сельхозснаб»нинг Булунғур район омборида минг тоннадан ортиқ минерал ўғит тўпланиб ётгани ҳолда, лавлагизорларнинг фақат 45 проценти бир марта озиқлантирилган, иккинчи озиқлантиришга киришилмаган.

Лавлаги яхши парвариш қилинмаганлиги сабабли, Булунғур районида ҳосил тўплаш ўтган йилдагидан секин бормоқда. Норпой районида ҳам қанд лавлагининг ҳосили тўпланиши қониқарли эмас.

Оҳангарон районида 780 гектар ердаги лавлагини ёввойи ўт босган ва у ўз вақтида суғорилмаган. Шунга қарамай, кўпчилик колхозда лавлагини парвариш қилиш графиги бажарилмаётир. Масалан, август ойининг биринчи бешкунлигида суғориш плани фақат 13,6 процент, культивация қилиш 21,5 процент, кетман чопиғи 21,7 процент бажарилди, холос. Лавлагини озиқлантириш бутунлай тўхтатиб қўйилган.

Лавлагикорликда мўл ҳосил тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим давр келди. Август ва сентябрь ойларида етилган лавлагини қазиб олиш билан ҳосил тўпланиш тезлатиш ва лавлаги тупини ҳар куни 5—6 грамм ортдириш мумкинлигини кўрсатади.

Лавлагининг ўсишини тезлатиш учун даставвал ўғитлаш ва суғоришни қатор ораларини ишлаш билан қаттиқ боғлаб олиб бориш талаб қилинади. Суғориш билан қатор ораларини ишлаш ўртасида ажралиш юз бериши ўсишни секинлаштиради, ҳосилга ёмон таъсир қилади.

Лавлаги тупининг катта бўлиши учун яхши ўсмаётган ерларга шу кунларда азот-фосфор ўғитлари солиш жуда муҳимдир. Лавлагининг аҳволига ва ернинг хусусиятига қараб, гектарига 1,1 — 1,4 центнер аммиак селитраси, 2—2,5 центнер суперфосфат ва 0,8—1 центнер хлорли калий солиш тавсия қилинади.

Лавлаги барглари яхши ўсган ерларда фосфор-калий ўғити солиш билан кифояланиш мумкин. Шўр ерларга калий солиш тавсия қилинмайди. Ўғитнинг таъсирини кучайтириш мақсадида, минерал ўғитни маҳаллий ўғит билан аралаштириб, машина билан эгат тагига 4—5 сантиметр чуқурликда солиш керак. Ўғитни қўл билан солиш мутлақо ярамайди.

Лавлагини ўз вақтида сифатли суғориб, ўсишдаги қолоқликни тугатиш ва ҳамма ерда мўл ҳосил тўплаш мумкин. Чуқур эгатлар бўйлаб, қондириб суғориш лавлагининг авж олиб ўсишига ёрдам беради. Эгат олмай, бостириб суғоришга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак.

Ҳарбир суғоришдан кейин лавлаги қатор оралари культивация қилиниши, туп оралари кетман билан юмшатилиши зарур. Культиваторнинг ўртадаги тишлари 16—18 сантиметр, ён тишлари 10—12 сантиметр чуқурликда, культивация кенглиги 35—40 сантиметр бўлиши керак. Лавлаги барглари ўсиб кетган ерларда тракторга барглларни ҳимоя қиладиган асбоб ўрнатилиши лозим.

Ўзбекистон лавлагикорлари август-сентябрь ойларида лавлагиларни ўз вақтида, сифатли озиқлантириб, суғориб, қатор ораларини яхши ишлаб, лавлагизорларда мўл ҳосил тўплашлари ва урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг сўнгги йил топшириғини муваффақиятли бажаришлари мумкин.

А. ПОПОВ.
«Ўзсахсвеклотрест»нинг старший агрономи.

Ғиждувонда ем-хашак тайёрлаш кечиктирилаётир

Ғиждувон — Бухоро областининг асосий пахтакор райони бўлиши билан бирга, чорвачиликда ҳам салмоқли ўрин тутади. Район колхозлари жамоат чорвачилигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган ем-хашак тайёрлаш бу районда жуда қониқарсиз бормоқда. Район ижроия комитетида май ойидан буён ем-хашак тайёрлаш тўғрисида гап боради. Бу масала ижроия комитети мажлисларида кўп марта муҳокама қилинди. Район қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи ўртоқ Ражабов ем-хашак тайёрлаш тўғрисида колхоз правленияларига бирнеча марта графиклар, топшириқлар юборди.

Аммо амалий ишда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Белгиланган муддатларнинг ўтиб боришига қарамай, районда хашак тайёрлаш планининг ярми ҳам бажарилгани йўқ. Қорақўл қўйлар қишлайдиган Кўкча чўлида 23 процент, Қизилқумда 68 процент хашак тайёрланди. Колхоз қишлоқларида тайёрланган хашак 20 процентдан ошмайди.

Жавгари қишлоқ советидаги «Октябрь» колхози энг катта чорвадор колхоздир. Бу колхознинг чорва моллари Қизилқум ва Кўкча чўлларида қишлайди. Колхоз раҳбарлари (раиси Тирамов, чорвачилик фермасининг мудири Теша Ўрунов ўртоқлар) чорва моллари қишловига тайёрлик кўришни кечиктираётирлар. Кўкча чўлида ҳали бир центнер ҳам хашак тайёрланмаган.

Хашак тайёрлаш плани йирик чорвадор колхозлардан: Улфатбиби қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда (раиси ўртоқ Яраш Шарипов) 22 процент, Фришкент қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда (раиси ўртоқ Расул Мирзаев) 24 процент, Бўзди қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда (раиси ўртоқ Яраш Эргашев) 20 процент бажарилган. Бу колхозларнинг правленияли хашак тайёрлашни назбатга қўйиб, бу иш учун тегишли ишчи кучларини ажратмай келадилар.

Ҳаммадан ҳам ачинарлиси шуки, қорақўл қўйлари Қизилқумда сақланадиган Ғиждувон шаҳар советидаги Киров номли колхоз (раиси Усмон Бақоев) Қорахони қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз (раиси ўртоқ Ҳамро Сафаров), Сармижон қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхози (раиси ўртоқ Нарзи Расулов), Сарвари қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз (раиси ўртоқ Тўхта Муродов) ва кўлари Кўкча чўлида сақланадиган Районобод қишлоқ советидаги Ворошилов номли, Сармижон қишлоқ советидаги Куйбишев номли, Ғиждувон шаҳар советидаги Карл Маркс номли, Молотов номли колхозлар хашак тайёрлашга киришмаганлар.

Районда беда ўриш йиғи яхши уюштирилмаган. 3 191,5 гектар беда майдонидан фақат 1 936 гектари ўрилиб, қолгани пайхон бўлиб ётипти.

Район қишлоқ хўжалик бўлимининг ходимлари ем-хашак тайёрлашни кучайтириш ўрнига, фақат сводка тўплаш, қайта-қайта графиклар тузиш билан овора бўлмоқдалар. Қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи ўртоқ Бобоев бедани ўриб-йиғиб олиш ва хашак тайёрлаш иши билан мутлақо шуғулланмайди. Бош зоотехник ўртоқ Н. Қиёмов 2 ойдан буён кабинетда «иш» кўради.

Ғиждувон районида чорва моллари учун ем-хашак тайёрлашнинг пайсалга солиниши кечиримаслик бир ҳолдир. Район партия, совет ташкилотлари дарҳол бу судралишнинг олдини олишлари керак.

А. БАҲРОМОВ.

КОЛХОЗ ЙИРИҚЛАШГАНДАН ҚЕЙИН

Қашқадарё областининг Мироқи районидаги «Гулистон», Ленин номли ва «Социализм» колхозлари яқинда бирлашиб, бу йирик колхозга Ленин номи берилди. Учта колхоз бирлашгандан кейин ер майдони 2.050 гектарга, чорва моли 2,5 мингтага, меважор, узумзор боғлар 150 гектарга етди.

Колхоз йириклашгандан кейин барча колхозчилар ҳамжиҳатлик билан ишлаб, галла ўрим-йиғимини ва давлатга дон топшириш ишларини қизғинлик юбордилар. Колхоз давлатга пландаги 720 центнер ўрнига 800 центнер уруғлик галла топширди ва МТСнинг натура ҳақини ҳам тўлаб бўлди.

Н. ПИРМУҲАММЕДОВ.

Мажбурият бажарилди

Наманган область, Норин районидаги 2-чи МТС нинг Норикана қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган универсалчиси ўртоқ Ражабберди Худойбердиев самарқандлик Мастура Азизованинг ватанпарварлик чақириғига қўшилиб, бу йилги мавсумда 1.500 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган эди.

Ўртоқ Худойбердиев ўз мажбуриятини тўла адо этиш учун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилди. У, ўз машинасига техника жиҳатидан яхши қараб, унумли ишлади. Ҳар куни 15—20 гектарга етказиб ғўзани культивация қилди. Шундай қилиб, ўртоқ Худойбердиев 4 августгача 1.500 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб берди ва иш даврида 400 килограмм ёнилғини тежади.

Ёш коммунист ўртоқ Худойбердиев Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, август ойи ичида яна 200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олиб, шу кунларда ўз тракторига тўсиқ ўрнатиб, 14—16 гектар ғўза қатор ораларини ишламоқда.

А. МЎМИНОВ.

Мўлжал—минг центнер

Самарқанд область, Норпой район, Оқтош қишлоқ советидаги Дзержинский номли колхознинг ўртоқ Эргаш Ҳолматов бошлиқ звеноси ўтган йили ҳар гектар ердан 632 центнердан қанд лавлаги топширгани учун, СССР Олий Советининг Президиуми ўртоқ Ҳолматовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди.

Бу юксак мукофотга жавобан, звено аъзолари бу йил қанд лавлагидан мўл ҳосил етиштириш учун яна ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Лавлаги экини агротехника қоидаларига мувофиқ ўз вақтида чопиқ ва культивация қилинмоқда. Яқинда звенодаги ҳосил мўлжаллаб чиқилди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 75 минг туп лавлаги бор. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир туп лавлага бир килограммдан икки килограммгача келади. Бу эса ҳар гектар ердан энг ками 1000 центнердан ҳосил олинишини таъминлайди.

Н. ЗОКИРОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

„Коммунизм бўсағасида“ достони ҳақида *)

Россия пролетариати чор салтанатининг пойдевори ўрнига ўз диктатурасини ўрнатган ва ёш советлар ҳокимияти дунё реакциясига қарши ҳаётмамот курашини олиб бораётган бир даврда Владимир Ильич Ленин: «Социализм мусобақани сўндирмайди, аксинча, биринчи марта ўлароқ, уни ҳақиқатан ҳам кенг, ҳақиқатан ҳам оммавий кўламда қўлланишга имконият туғдиради; у ҳали ҳалқда очилмаган ҳамда яшириниб ётган ва капитализм томонидан минглаб, миллионлаб эзилган, янчилган, бўғилган талантнинг очилишига ва қўлаб меҳнаткашларнинг ўзларини кўрсатаоладиган, ўз қобилиятларини ривожлантираоладиган кенг меҳнат майдонида жавлон уришларига имконият яратиб беради», деб доҳиёна башорат қилган эди (В. И. Ленин, Асарлар, XXII том, 158 бет).

Ҳақиқатан ҳам социализм ўзил-кесил галаба қозонган ва меҳнат шон-шараф иши бўлиб қолган бизнинг сталинча давримизда одамлардаги қобилиятларнинг кенг ривожланиши учун, бутун имконият мавжуддир. Шукруллонинг «Коммунизм бўсағасида» достони турмушимиздаги ана шу реал воқиъликни акс эттиришга бағишланган.

... Механика цехи қирқиш бўлимининг мастери Кудратни иш жараёнида қўлланиб келинган техник тезлик қаноатлантирмай қўяди. У, нега шу асмат станок бирдан ўнта гайкани қирқмайди, деб муҳокама юритади, ва бу ҳақдаги ихтиро'чилик режасини монтаж цехининг мастери Содиқовга айтади. Худди шу ерда меҳнатда бир-биридан қолишмайдиган икки кишининг характеридаги фарқ намоён бўлади. Содиқов дўстининг фикрини қувватлаш ўрнига, ихтиро' қилиш—инженернинг иши, бизнинг ишимиз эса тезини ошириб, ташвишсиз тинчгина яшашдир, деган маънода жавоб қайтаради.

Жамиятимизда Содиқовга ўхшаш айрим қолоқ фикрли, кишилар бегараз, содда мулоҳаза юритучи кишилар ҳам бор, албатта. Аммо бундай кишиларни давримизнинг ҳақиқий типик қаҳрамонлари деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки сустлик, янгиликнинг муваффақиятсизликка учраб қолишидан чўчиқлик, кўп йиллик тажрибада синалган эски иш нормасини ғафлат кўрсатишлик—меҳнат ва ижод илғорларига хос бўлмаган хусусиятлардир. Аксинча, адабиётимизнинг ижобий қаҳрамони ютуқлар олдида эсанкираб қолмовчи, ҳамма вақт олға интилувчи, қийинчиликлардан умидсизланмовчи, коллектив ва давлат манфаатининг чарчамас курашчиси, замонамизнинг кучли, иродали ва дадил киши си бўлиши керак. Шукрулло ўз поэмасининг қаҳрамони Кудратни социалистик қурилишимизнинг ана шундай ажойиб фазилатларга эга бўлган илғор кишиларидан бири сифатида кўрсатади.

Қудрат детальлар қирқувчи станокни такомиллаштириш устида ишлар экан, ўз ихтирои завод ва мамлакат учун катта фойда келтиражагини ўйлаб қуюнади.

Достонда Ватан муҳаббати — Кудратни ва унга ўхшаган кишиларни янгиликлар яратишга ундаган асосий омил сифатида жуда тўғри талқин қилинади.

Бизнинг жамиятимизда мусобақа капиталистик мамлакатларда бўлганидек рақобат характерига эмас, балки юксак мақсад учун курашда ҳамкорлик характерига эгадир. Автор ана шу турмуш ҳақиқатини Қудрат билан Дудин ўртасида мавжуд бўлган мусобақа эпизодларида алоҳида чизиб ўтади. Дудин Содиқовнинг фикрига қўшилмайди, Қудратнинг ўз ихтироида муваффақият қозонишига тўла ишонади ва унинг ютуғини ўз ютуғи, умумколлективнинг ютуғи деб қарайди.

Асарда бир-биридан фарқли икки хил тушунча ўртасида туғилган контраст Қудратнинг ихтироси ҳақида сўз очган Дудинга Содиқовнинг жавоби ва Дудиннинг унга қарши билдирган қуйидаги з'тирози ўқучида сезиларли таассурот қолдиради:

— Сенга айтармиди олдан сирин?
— Хўш, нега? Бу гапинг тўғримас, Брок,
Бизлар Америкада турганимиз йўқ. Совет шпчисимиз! Билиб қўй, ўртоқ!

Дудиннинг юзидан чиққан бу қисқа, аммо «Совет шпчисимиз» деган ма'нони ифода енгилмас ҳаққониятнинг тимсолидай мағрур жаранглайди. Бу сўзлардаги сўз ҳақиқат Содиқовнинг онгига етиб боради. Унга совет кишиларининг инсоният бахт-саодатига қаратилган ишида рақобат ва ғайрлик каби шахсиятпарастлик ҳисларига ўрин йўқлигини англатади. Натижада, Содиқовнинг тушунчасида бурилиш вужудга келади. Қудрат ихтиросининг амалга ошиши эса, Содиқовнинг меҳнатга ва кишиларга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартириб юборади.

Демак, асарда коллектив муносабат ва об'ектив воқи'лик инсон характери такомиллашувининг асосий омили сифатида тасвирланади.

Қудратнинг янгилик яратиш йўлидаги ҳаракатига Дудиннинг виждонан хайрихоҳлиги, заводнинг бош инженери ва партия ташкилотчиси Волковнинг, ўз қимматли вақтини аямай, Қудратга ёрдам бериши каби кўринишларни қитобхон ўз ҳаёлидан бир-бир ўтказар экан, улуғ Советлар оиласига бирлашган халқлар ўртасида пайдо бўлган ва ўзаро муносабатлар жараёнида, биргаликда олиб борилган курашларда мустаҳкамланган чуқур дўстликни тасаввур этаолади.

Юқорида айтилганлардан асар нуқсонларидан холий экан деган фикр келиб чиқмайди, албатта.

Шукрулло ўз достонидаги образларни индивидуаллаштиришга кам аҳамият берган. Айниқса, заводнинг бош инженери ва партия ташкилотчиси Волков ҳақида баён қилинган бирнеча оғиз яхши ниятни ҳисобга олмаганимизда, у муқаммал бадиий образ сифатида кўз олдимизда гавдаланмайди. Ҳолбуки, эсда қоладиган жонли образ, киши характеридаги чизиқларни, воқиаларни, ҳолатларни типиклаштиришдан ташқари, яна уни индивидуаллаштириш орқали яратилади.

Ўқучи поэмада заводдаги меҳнат жараёнининг бадиий манзараларини учратади: гўё унга автосварканинг яшиндай ўткир учқунлари кўзларини қамаштираётгандай туйилади; «Вазмин кўтарилган азамат кран»нинг ерга юкини қўйиб, сўнг бор силкинганини бутун борлиги билан ҳис этаолади. Аммо асардаги ҳамма меҳнат тасвирларини ёркин, образли деб ҳисоблаб бўлмайди. Муваффақиятли меҳнат поэтикасининг ўрнини мавҳум ва ўқучининг ғашига тегкучи «ҳархил..», «турли хил...», «ҳамма...», «турли...» каби умумий сўзлар, мужмал жумлалар олади.

Асарнинг завод ҳаётини, унинг кўринишларини бадиий сўз орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлиги сезилиб туради. Лекин у воқиаларнинг ба'зилари ҳали пишиқ бадиий шаклга ололмаган, туманли. Масалан, цехдаги ишлар тасвирини қуйидагича чизади:

Ойнавонлик кенг цех гувуллар тинмай,
Гўё катта шаҳар, қудратли қўрғон.

Китобхон бу мисра'ларни ўқиб, заводнинг бир бўлакчаси бўлган цех ҳақида ма'лум тасаввур ҳосил қилаолмайди. Айниқса, кейинги мисра'даги дабдабали муболаға биринчи мисра'даги ҳақиқатни ҳам хиралаштириб қўяди.

Демак социалистик саноатимиз воқи'лигининг бадиий кўринишларини яратиш учун мавҳум ва муболағали сўзлар уюми эмас, балки мазмунан ўринли, равшан ифодалар керак.

Совет адабиётининг асосий манбаи реал ҳаётдир. Ёзучи ўз асарининг мундарижасини ҳаводан эмас, балки турмушдан олади. «Коммунизм бўсағасида» достонининг ҳам ғоявий мундарижаси замонавийдир. Аммо автор ана шу ғояни мароқли қилиб, бадиий формада ифодалаб беришдай мас'улиятли вазифани бажаришда бирмунча камчиликларга йўл қўйган.

Асар бадиий техникасининг ишланишидаги камчиликлардан бири ҳам қофиялашда учрайдиган сун'ийликдир. Мисол:

Мана пахта териш машинасининг
Жуда ҳам ўзгарди бу йил кўп ери.
Оти ҳам бошқача, хўш нима учун?
Ўйлади, янгидан ишлади бири.

Ше'риятдан хабардор ҳарқандай киши ҳам «ери» сўзига «бири» сўзи бу ерда зўрма-зўраки қофия қилинганлигини яхши билади.

Достондаги ба'зи қофиялар мисра'ларнинг охирги бўғинидаги товушларни бир-бирига зўрма-зўраки мослашга асосланиб тузилган. Шунингдек, кўп ше'рий парчаларда туроқлар тенислиги сақланмаган.

Достондаги кўп парчаларда поэтик руҳ сезилмайди. Чунки уларда қофиялашдаги сун'ийликдан ташқари, бадиий образлилик ҳам йўқ. Мисра'лардаги бўғинлар сонининг тенислиги ва ба'зи сўзлар инверсиясини ҳисобга олмаганда, кўпгина тўртликлар оддий насрий жумлалардан фарқсиздир. Бунга юқорида келтирган мисолимиз далил бўлаолади. Асарда қофиялашдаги сун'ийликнинг яна иккинчи бир хили ҳам учрайди. Масалан:

Бир-бирин табриклаб, ўниб кучоқлар,
Севинчга сиғмай бу икки ўртоқ,
Ўзим бўлар учун қасд қилганлармас,
Мусобақа қилган — Ватан деб броқ.

Хўш, қандай зарурият орқали охирги мисра'даги «броқ» та'киди келиб қолипти? Ҳечқандай зарурияти эмас, албатта. «Броқ» сўзи «ўртоқ» сўзига қофия, тўғрироғи — яримқофия бўлгани учун, автор уни, мисра'даги бошқа сўзларга мазмунан боғланмаса ҳам, сун'ий равишда киритиб қўяберган. Шубҳасиз, ше'рий мисра'ларни яратишдаги бундай юзакичилик асарнинг қимматига салбий та'сир этади.

Достоннинг тилида авторнинг янги иборалар қидириб топиб, уларни ишлатишга интилганлиги кўриниб туради. Лекин авторнинг ўзича янгидан «яратган» ба'зи иборалари қулоққа ғайри табиий эшитилади. Масалан, асардаги бир персонаж иккинчисига:

Қириндидек қилма гапни кўп майда!

деса, униси:

— Лентадай чўзилиб ювингунингча
Тозалаб бўламан, станок шай-да!

— деб жавоб қайтаради. Бунақа қўпол ибораларни киритиб, асарнинг тилини дағаллаштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди.

Достонни қайта босмага тайёрлаш даврида юқорида қайд этилган бирқанча камчиликлар тузатилса, адабиётимиз хазинасига бадиий томондан пишиқ, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган янги бир асар қўшилган бўлади.

С. АНОРБОЕВ.

*) Шукрулло — «Коммунизм бўсағасида». (Достон). «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» бирлашган нашриёти. Редактори — Мирмуҳсин. Тошкент, 1950 йил.

Чин муҳаббат

Ғалиаскар Камол номидаги Татаристон Давлат академик театрнинг Тошкентдаги гастрольлари репертуарида «Чин муҳаббат» спектакли ўзининг бадиий-ғоявий қиммати ва актуаллиги блан алоҳида ўрин тутади. РСФСР да ва Татаристон АССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Тожи Ғиззатнинг бу асари совет кишиларининг Ватанга бўлган чин муҳаббати қудратли ва енгилмас куч эканини, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги Улуғ Ватан урушидаги шонли ғалабамизнинг асосий омилларидан бири эканини ёрқин кўрсатиб беради.

Совет халқи босқинчилик урушини қоралайди. Аммо, агар уни урушмоққа мажбур этадиган бўлсалар, унинг қудратига бардош бераолучи куч йўқ, совет кишилари қўлидаги сталинча ғалаба фани оламшумул тантана қилади. Улуғ Ватан уруши тажрибаси буни бутун жаҳон олдида исбот этди. Мазкур асар ғоясининг муҳим жиҳатларидан бири ҳам мана шуни кўрсатишдир. Спектакльда бу максад равшан талқин этилганидан, у тамошабин қалбидаги тинч ҳаётга муҳаббат, уруш оловини ёқучиларга нафрат туйғуларини янада кучайтиради.

Улуғ Ватан уруши совет кишилари учун зўр синов бўлди, уларнинг совет тузуми натижасида туғилган олижаноб фазилатларини янада яққолроқ очиб кўрсатди. Уруш машаққатлари одамларни саралаб, асосий кўпчиликдаги мардлик, фидокорлик ва қаҳрамонлик сифатларини намоён қилиш блан бирга, эскилик сарқитларидан қутилолмаган ба'зи шахсларнинг онги ва юрагидаги заифликларни, манфаатнарастлик, қўрқоқлик, худбинлик каби чиркин доғларни ҳам фош этди. Бу ҳолатни кўрсатиш асар ғоясида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Спектакль ижрочилари бу мақсадни тўғри талқин этаолганлар.

Асар воқиа ва образларнинг ҳаётий динамикасига асосланиб қурилган, унда турмуш ва одамлар доимий ва тадрижий ўсиш, ривожланишда кўрсатилади. Тожи Ғиззатнинг кўпчилик асарларига хос бўлган бу муҳим фазилатни театрнинг ижодий коллективи чуқур англаб, ўзлаштириб олган. Бу эса уларга реалистик спектакль яратишга, унинг ишонч, та'сир кучини оширишга ёрдам берган.

Асарнинг бош қаҳрамони Гуландом аввалларн урушнинг моҳиятига унча тушуниб етмаган, ҳатто эрининг фронтга кетишини ҳам оилавий муҳаббатдаги бир шикаст бўлса керак деб қаровчи, ғоят содда, тажрибасиз бир жувон бўлиб кўринади. Броқ у, асар охирида Совет Иттифокининг Қаҳрамони деган шарафли унвон олиш даражасигача етади. Тамошабин ўтли кураш олиб бораётган мамлакат ҳаётининг реал манзараларини кўриб, РСФСР да хизмат кўрсатган ва Татаристон АССР халқ артисти Ғалия Булатова ижросида Гуландомнинг оз вақт ичида босиб ўтган бу шонли йўлига чин қалбдан ишонади. Бу йўлда у жанговар йиллар сур'атини кўради, совет кишиларининг ишдаги ва курашдаги жадал, қат'ий, жур'атли интилишларини ҳис этади.

Ғалия Булатова совет ёшларига хос бўлган бу шонли йўлни ибратли ва ишонарли қилиб кўрсатиш учун образнинг ма'навий мундарижасини чуқур мутолаа қилган, у Гуландомнинг ҳаёти ва руҳий кайфиятидаги кескин ўзгаришлар мазкур жанговар муҳитда мутлако табиий эканини кўрсатиш учун ҳарбир диалогдан, ҳарбир саҳнавий ҳолат ва детальдан усталик блан фойдаланган.

Гуландомнинг ўсиши шунинг учун ҳам ишонарлики, у асарда бошқа образларнинг ва бутун воқиаларнинг ўсиши блан биргаликда кўрсатилган. Бунда Гуландом оиласи блан боғлиқ бўлган ҳарбий завод ишчилари ҳаётининг кўрсатилиши ҳал қилучи ўрин тутади. Завод коллективи, унинг илгор кишилари кизғин жанговар ҳаёт блан яшайди, бу ҳаёт заводнинг фронтга кетган инженер Даврон (Гуландомнинг эри) оиласидаги яхши фазилатларнинг барқ уриб ўсишига та'сир этади. Ишчи ва инженер дўстларнинг та'сири блан Гуландом учучилик мактабида ўқишини давом этдирабошлайди, завод та'минот бўлимида ишловчи Мидхат ва Барбария каби худбин ва молпараст шахсларнинг ифлос ният блан қўйган қопқонларидан қутилади, онаси Гулжоннинг меҳнат моҳиятини англаб етишига эришади. Гуландом ҳарбий заводнинг синовчи учучилигидан фронтчи учучига айланади, оғир операцияларда, шиддатли ҳаво жангларида қатнашиб, қаҳрамонлик кўрсатади.

Бундай ма'навий ўсишни биз Ҳасаншо ва Иван Кузьмич образларида ҳам конкрет кўрамиз. РСФСР ва ТАССР халқ артисти Ҳалил Абжалиловни маҳоратли ўйини турар-жой хўжалиги ходими Ҳасаншони асосий образлар қаторига кўтарган. Сан'аткор, Ҳасаншонинг хўжалик хизматчисидан ихтиро'чи ишчи, олий мукофотга сазовор бўлган илғор стахановчи даражасигача кўтарилишни ҳаққоний кўрсатган.

Москвадан вақтинча кўчиб келган цех мастери Иван Кузьмич йирик ҳарбий заводнинг раҳбари, генерал-директор даражасигача кўтарилади. Татаристон АССР халқ артисти Мажид Элдор бу тадбирли коммунист раҳбарнинг пишиқ образини яратган. «Ўлган ўғли ҳақида ўтириб йиғлаш учун ота кўзларида томчи ёш йўқ» деб бошланадиган суҳбатни ёки туғилган ери — жонажон Москва ҳақидаги қисқа, лекин ҳаяжонли монологларни ижро этганда Элдор кўп аламларни енгган бу москвали ишчининг олижаноб руҳий дун'ёсини очиб ташлайолган. У фронтга самолёт сотиб олиш учун келган колхозчилар вакили блан қилган суҳбатида, ишчи ва инженер-техник ходимларга нисбатан ишонч ва меҳрибонлик блан тўла муносабатлари ҳамда тадбирларида жанговар корхона командирининг намунали фазилатларини ёрқин ифода этган.

Одамлардаги бу ўсишларнинг сабаби улардаги орзу ва интилишлардан, ғалабага бўлган ишонч ва фидокорликдан келиб чиққани тамошабинга мутлақо аён. Спектакль ижрочилари бу мақсадни доим ёдда тутиб ўйнайдилар. Бундай орзу ва интилиши, ишонч ва фидокорлиги бўлмаган шахслар эса ўсолмайдилар, аксинча, улар йўлдан улоқтириб ташланадилар.

Барбария блан Мидҳат уруш қийинчиликларидан ўзларининг бачкана манфаатлари учун фойдаланучи, ишчиларнинг улушини ўғирлаб, базмлар қуручи, виждонли одамларга туҳмат қилиб, макр-ҳийла блан ўз жонларини асраб қолишгагина уринучи зарарли кишилардир.

— Ишлар чатоқ?

— Хўш? Ё, эринг фронтдан қайтиб келдими?

Мана бу диалог уларнинг бутун ма'навий қиёфасини тўла очиб ташлайди. Артист Гилманов ва Менгнибоева ўртоқлар бу жирканч қиёфаларни аёвсиз фош қиладилар. Кекса Ҳасаншо айтганидай: «бизнинг юртда ҳақиқат ерга кўмилиб қолмайди», бундай шахслар шиддатли халқ армиясининг ғолибона йўлидан чўп-хас сингари супириб ташланади. Спектакль буни жуда ибратли ва та'сирли қилиб кўрсатган.

Даврон — асарнинг бош қаҳрамонларидан бири. Броқ у, худди «Ҳаяжонли кунлар»даги Мирвалига ўхшаган, саҳнада жуда кам кўринадиган, кўпинча ишорага ўхшашроқ келган монологларни ўқийдиган, тўғрироғи, ички дун'ёси тўла очилмаган, схематикроқ образ. Шундай бўлишига қарамай, ижодий коллектив авторнинг камчилигини тузатишга ҳаракат қилган. РСФСР да хизмат кўрсатган ва Татаристон АССР халқ артисти Камол Давронни жонли, тамошабин муҳаббатини жалб этадиган тип даражасига кўтараолган. Даврон севгилисига бўлган чин муҳаббатини муқаддас Ватанга бўлган чин муҳаббати блан чамбарчас боғлаган, ҳаётини ва муҳаббатини халққа бағишлаган фидокор киши сифатида ёдда қолади.

Спектакль совет кишиларининг улуғ Ватанга бўлган оташин муҳаббатини самимий, ҳаяжонли эпизодларда тараннум этади. Унда кўп қувончли учрашувлар, ғалабалар шодлигининг бахтиёр дамлари кўрсатилади. Бундан ташқари, асар ҳозирги замоннинг яна бирнеча жиддий сиёсий масалаларига ҳам тегиб ўтади. Учучи Гуландом фронт орқасида қолиб кетганда, унинг америка-англия ҳарбий ма'мурлари томонидан тергов қилиниши «иттифоқчилар»нинг асл башараси ўша вақтдаёқ совет жангчиларига аён бўлганини кўрсатади. Фронтчи инженер Давроннинг албан ҳамширалари томонидан даволаниш эпизоди ҳозирги демократик мамлакатлар халқларининг Совет Иттифоқига ва Совет Армиясига бўлган буюк ишонч ва муҳаббатини очиқ баён қилади. Бу икки муҳим халқаро масала тамошабинларимизга жуда аён ва қизиқарлидир. Бу масалаларнинг қўйилиши спектакльнинг актуаллигини яна оширади. Театр коллективи бу жиҳатларга алоҳида э'тибор бериб тўғри қилган.

«Чин муҳаббат» Ғалиаскар Камол театри гастрольларида энг кўп кўрсатилган спектакльлардан бўлди. Пойтахт меҳнаткашлари уни қайта-қайта мароқ блан тамоша қилмоқдалар.

Асқад МУХТОР.

Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитетининг қурия халқига мурожаати

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Қурия Бирлашган демократик ватан фронтининг Марказий комитети қурия халқига қарата қуйидаги мурожаатни э'лон қилди:

«Қадрдон ватандошлар! Қуриядаги чет эл интервенцияси иккинчи ой давом этмоқда. Америка империалистларининг қўшинлари фарзандларимизни ўлдирмоқдалар, америка ҳарбий кемалари мамлакатимизнинг соҳилларини тўпга тутмоқдалар, америка аэропланлари шаҳар ва қишлоқларимизга ҳар куни ваҳшийларча ҳужум қилиб, тинч аҳолини ўлдирмоқдалар, қурия халқининг меҳнати блан вужудга келтирилган фабрикаларни, заводларни, темир йўлларни, уйжойларни хароб қилмоқдалар.

Аллақачонлардан буён Қурияни ўз мустамлакасига ва Узоқ Шарқдаги ҳарбий плацдармига айлантирмоқчи бўлиб келаётган америка империализми хоин Ли Син Ман тўдасининг ёрдами блан Қурияда ўзаро қирғинчилик урушини чиқарди ва халқимизга қарши қуролли интервенция бошлади. Америка империалистлари Хавфсизлик Советининг Қурия масаласи юзасидан чиқарган ғайри-қонуний қарори блан ниқобланиб, халқимизнинг озодлик ва мустақиллик ҳуқуқини қўпол равишда поймол қилмоқдалар. Америка империалистлари Қуриядаги агрессияларини тинчлик ва озодликни ҳимоя қилиш ҳақидаги гаплар блан ниқоблашга уринмоқдалар. Америка империалистлари ўз малайлари бўлган Ли Син Ман тўдасини ишга солиб, мамлакатни тинч йўл блан бирлаштиришга тўсқинлик қилдилар. Америка империалистларининг ана шундай босқинчилик сиёсати бўлмаганида эди, қурия халқи ҳозирги вақтда ўзининг тинч меҳнати блан шуғулланар эди.

Америка империалистлари Жанубий Қурия халқи ўртасида Ли Син Маннинг террорчиликдан иборат идора усулини жорий қилмаганларида эди ва Қурияда иғвогарлик ниятида ўзаро уруш чиқармаганларида эди, ҳозирги вақтда халқимизнинг қони тўкилмаган бўлур эди. Америка агрессорлари территориямизга бостириб кирмаганларида эди, хоин Ли Син Ман тўдаси бошлаган уруш аллақачонлар тугаган бўлур эди.

Америка империалистлари қурия халқининг энг ёвуз душманларидир, тинчлик душманлари ва уруш оловини ёқучилардир. Америка империалистлари Қурия шаҳарлари ва қишлоқларини хароб қилиб, уялмай-нетмай озодлик ҳақида гапирмоқдалар.

Қурия халқи япон, америка империалистларининг ва бошқа ҳархил империалистларнинг тилида озодлик сўзи нимадан иборат эканлигини кўп йиллик аччиқ тажриба асосида билади. Империалистлар мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқларни шафқатсиз эксплоатация қилиб, ўзларига бойлик тўплайдилар.

Америка негрларига берилган «озодлик»нинг бизга кераги йўқ. Америка империализми ана шу негрларнинг қонини ичиб кучайди. Жанубий Америка халқларига берилган «озодлик» ҳам биз учун керак эмас. Бу халқлар америка империализмига қарам мустамлака ҳолида яшамоқдалар. Америка империализми бу халқларнинг қонини ўргимчакдек сўрмоқда ва уларни мислсиз қашшоқлик ва ҳуқуқсизликда яшашга мажбур этмоқда. Америка оккупациячи қўшинлари хоин Ли Син Ман тўдаси ёрдами блан Жанубий Қурия халқига берган «озодлик»нинг ҳам бизга кераги йўқ. Бу «озодлик» Жанубий Қурия халқига қашшоқлик, нодонлик ва ҳуқуқсизлик келтирди. Бу қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик ҳозирги вақтда Жанубий Қурияни бориб кўрган Шимолий қуриялиларни ҳайратда қолдирмоқда. Бизга бундай америка—Ли Син Ман «озодлиги»нинг кераги йўқ. Бу «озодлик» демократия тарафдорлари учун, қурия халқининг озодлиги ва мустақиллиги тарафдорлари учун зиндон, қийноқ ва қатлдан бошқа нарса эмас.

Америка империалистлари қурия халқининг озодлиги ҳақида гапирганларида, қуриялиларнинг қони ва пешона тери блан америка капитали учун бойлик ортдириш эркинлиги ҳақида ўйлайдилар. Улар ўз ирқлари блан мақтаниб, қуриялиларни одам қаторида ҳисобламайдилар. Биз учун бундай озодликнинг кераги йўқ. Қурия халқи чинакам озодликни, чет эл империалистларисиз, хоинларсиз эркин яшашни истайди. Бу хоинлар қурия халқини асоратга солишда америка интервентларига ёрдам бермоқдалар ва қурия халқининг манфаатларига хиёнат қилиб, ўз чўнтакларини доллар блан тўлдирмоқдалар.

Шавкатли Халқ армиямиз, партизанларимиз ва бутун қурия халқимиз америка интервентларига ва Ли Син Ман тўдасига қарши қаҳрамонларча курашиб, Ватанимизнинг озодлигини, бирлигини ва мустақиллигини чин қалбларидан истаганликларини бор куч-қувватлари блан исботлабгина қолмай, балки ўз ҳуқуқларини қўлларига қурол олиб чет эл интервентларидан ва уларнинг қурияли малайларидан ҳимоя қилишга тайёр эканликларини ҳам кўрсатдилар. Шимолий Қурия халқи ўзи курашиб қўлга киритган ва ўзи учун озодлик, тараққиёт ҳамда маданиятнинг кенг йўлини очиб берган демократик ҳуқуқларини фидокорона ҳимоя қилишга тайёр эканлигини кўрсатди. Жанубий Қурия халқи америкалиларнинг беш йил давом этган оккупацияси ва лисинманчилар полиция усул идораси, беш йил давом этган қувғин ва қирғинлар унинг озодликка бўлган иродасини бўшаштирмаганлигини кўрсатди.

Шимолий ва Жанубий Қурия халқи америка интервентларига ва хоин Ли Син Ман тўдасига қарши бир ёқадан бош чиқариб курашга отланиши блан Ватаннинг бирлиги ва мустақиллиги учун курашда маҳкам жиплашганлигини, Қурия халқ-демократик республикасини якдиллик блан қувватлаётганлигини ва интервентларни мамлакатимиз территориясидан батамом ҳайдаб чиқарғунча, узил-кесил ғалаба қозонгунча курашишга бел боғлаганлигини кўрсатди.

Биз Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашдан илҳомланиб, барча ватандошларимизни интервенциянинг дарҳол тўхтатилишини ва интервентлар қўшинларининг Қуриядан олиб кетилишини қаттиқ туриб талаб қилишга, қурия халқининг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини талаб этишга чақирамиз. Биз барча ватандошларимизни Ли Син Ман тўдасини, я'ни америка интервентларининг ёрдамчиларини қурия халқининг хоинлари деб ҳисоблаганлигингизни баланд овоз блан айтишга чақирамиз. Лисинманчилар қилган ҳамма ёвузликлари учун халқ суди олдида жавоб беришлари керак. Биз барча ватанпарварларни қурия халқининг қуйидаги баёнотига қўл қўйишга чақирамиз.

1. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан Қуриядаги америка қуролли интервенциясини дарҳол тўхтатиш ва чет эл интервентларининг қўшинларини Қуриядан олиб кетиш учун чоралар кўришини талаб қиламиз.

2. Биз америка империалистларининг буйруғи блан Қурияда ўзаро уруш чиқарган ва қурия халқига қарши курашда интервентларга актив ёрдам бераётган Ли Син Ман, Ли Бом Сук, Ким Сон Су, Син Сен Мо, Чо Бйон Ок, Пяк Сен Ук, Юн Чи Ен, Син Хин У, Син Ик Хи, Чан Менлар қурия халқининг хоинлари сифатида судга берилишлари керак деб ҳисоблаймиз.

Ватанимизнинг озодлиги, бирлиги ва мустақиллигини азиз деб билган ҳамма киши америка интервентларига ва уларнинг малайларига қарши қурия халқининг умумий курашини янада кучайтириш учун, қурия халқининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида интервенцияга қарши норозилик билдирган овозини ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаганлигини бутун дун'ёга баралла эшитдириш учун бу баёнотга имзо чекади. Биз бунга шубҳа қилмаймиз.

Яшасин мамлакатимизнинг озодлиги ва мустақиллигини шараф блан ҳимоя қилаётган қаҳрамон Халқ Армиямиз!

Яшасин озод, бирлашган, мустақил Ватанимиз!

— Яшасин ҳурриятпарвар қурия халқи!

Ватанимизнинг бирлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун ғалаба сари, олға!».

СОВЕТ АРМИЯСИ ТОМОНИДАН ҚУРИЯНИНГ ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 5 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН ПХЕНЬЯНДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: кеча Пхеньянда Қуриянинг япон империалистлари ҳукмронлигидан озод қилинганига 5 йил тўлиши муносабати блан тантанали мажлис бўлди.

Мажлисда кўзга кўринган касаба союз арбоби Ким Ен Бон Қуриянинг озод қилинганига 5 йил тўлганлиги ҳақида доклад қилди.

Сўнгра мажлисда металлургия заводининг ишчиси Ким Ги Му гапириб, бундай деди: америка империалистлари Қурия халқига қарши уруш бошладилар. Аммо улар Қурия Халқ армиясининг ва халқнинг ватанпарварлик руҳини бўшаштираолмайдилар. Биз душман устидан ғалаба қозонамиз.

Темир йўл транспорти ишчиси Кан Вон Чер бундай деди: шу кунларда халқимиз ўз ватанининг озодлигини, бирлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун курашмоқда. Мен бугунги миллий байрамимизда барча темирйўлчиларга мурожаат қилиб, уларни душманнинг ваҳшийларча бомбардимонларига қарамай, транспортнинг пухта ишлашини та'минлашга чақираман.

Тантанали мажлис қатнашчилари, қурия халқининг энг яхши дўсти улуғ Сталинга, шунингдек қурия халқининг йўлбошчиси Ким Ир Сенга ва шонли Халқ армиясига табрикномалар юборишга қарор қилдилар.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 15 август эрталаб қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда шиддатли ҳужум жангларини давом этдирдилар.

Партизан отрядлари Халқ армияси қўшинларининг ҳужумига мадад бериб, душманнинг орқа томонида ўз ҳаракатларини кучайтириб юбордилар.

Корен (Корей), Мирян (Мицуйо), Хэчжу (Кейсю), Улсан (Урусан) районларида ва бошқа жойларда ҳаракат қилаётган партизан отрядлари йўлларни ва душманнинг орқа томонидаги иншоотларни яксон қилмоқдалар, душманга катта зарар етказмоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси билдиради: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қақшатғич зарбалар бериб, ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг жанубий қирғоқда ҳужум қилаётган қисмлари америка қўшинлари танк ва пиёда аскар қисмларининг бирнеча марта қилган қаттиқ қарши атакаларини қайтардилар ва душманга катта талафот етказиб, 12 августда душман мудофаасининг муҳим пункти бўлган Косон (Кодзйо)ни озод қилдилар.

Халқ армиясининг қисмлари Косон (Кодзйо)ни озод қилиш учун олиб борилган жангларда душманнинг талайгина аскарларини қириб ташладилар.

155 миллиметрли 9 тўп, 105 миллиметрли 12 тўп, 13 танк, 157 автомашина, шунингдек бошқа кўпгина яроғаслаҳа ва ўқ-дори ўлжа олинди.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Қурия фронтидан билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари Чхан Ен (Сионей) яқинида Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсидан 11 километр шарққа силжидилар. Шимолий Қурия қўшинлари партизанлар блан қўшилиш учун илгари силжиб, 24-нчи америка дивизиясининг бўлинмаларига атака қилдилар.

КОПЕНГАГЕНДА ФИЗИОЛОГЛАРНИНГ 18-НЧИ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

КОПЕНГАГЕН, 15 август. (ТАСС). Бугун Копенгагенда физиологларнинг 18-нчи Халқаро конгресси очилди.

Павловнинг шартли рефлекслар тўғрисидаги та'лимотига бағишланган махсус мажлис бўлди. Совет олимлари делегациясининг раҳбари академик К. М. Биков «Шартли рефлекслар ва рефлектор назарияси» деган темада доклад қилди.

Шу мажлисда Э. А. Асратян, Д. А. Бирюков ва А. А. Волохов Павлов та'лимотининг турли соҳалари тўғрисида доклад қилдилар. Конгресс қатнашчилари совет олимларининг докладларини самимий кутиб олдилар.

Конгрессдаги турли секцияларнинг раислигига Украина ССР Фанлар академиясининг президенти академик А. В. Палладин, Арманистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси Х. С. Коштоянц ва профессор Д. А. Бирюков сайландилар.

ГЕРМАНИЯДА МИЛЛИЙ ФРОНТНИНГ МИЛЛИЙ КОНГРЕССИГА ТАЙЁРГАРЛИК

БЕРЛИН, 15 август. (ТАСС). Бутун Германияда Миллий фронтнинг 25—26 августда Берлинда бўладиган Миллий конгрессига актив тайёргарлик бормоқда.

Германия демократик республикасида Миллий фронтнинг район конференциялари бошланди. Конференцияларда Миллий конгрессга вакиллар сайланмоқда. Вакилларнинг кўпчилиги шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнат илғорларидир.

Ғарбий Германияда ҳам Миллий конгрессга вакиллар сайланмоқда. Сайланган вакиллар орасида ишчилар, ҳунармандлар, врачлар, инженерлар, олимлар, журналистлар бор.

ВЕНГРИЯДА ДАВЛАТГА ҒАЛЛА ТОПШИРИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУДАПЕШТ, 15 август. (ТАСС). Венгрияда деҳқонлар давлатга муддатидан илгари ғалла топшириш учун меҳнат мусобақасини қизғин давом этдирмоқдалар.

Мамлакатнинг тош йўллари ва дала йўлларида ғалла ортиб давлат ғалла пунктларига бораётган карвонларнинг кети узилмайди. Ғалла карвонлари Венгрия деҳқонларининг ўз меҳнатлари блан ватанни ва қудратли тинчлик фронтини мустаҳкамлашга тайёр эканликларини кўрсатадиган шиорлар ва миллий байроқлар блан безатилган.

Комитатлар, қишлоқлар ва айрим деҳқонлар ғалла топшириш юзасидан ўз мажбуриятларини ортдириб бажармоқдалар.

Масалан, Немети қишлоғи давлатга ғалла топшириш планини уч ярим баравар, 12 мингга яқин якка деҳқон ички баравар ошириб бажарди.

РУМОНИЯДА НАРХЛАР ҚАМАЙТИРИЛДИ

БУХАРЕСТ, 15 август. (ТАСС). Румония ҳукуматининг қарорига биноан кечаги кундан бошлаб тўқимачилик молларининг коммерческий нархлари ўрта ҳисоб блан 20 процент камайтирилди, шаҳар ва қишлоқлардаги давлат магазинларида ҳам, кооператив магазинларида ҳам ягона нархлар белгиланди.

Финляндияда 670 мингдан ортиқ киши Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди

ХЕЛЬСИНКИ, 15 август. (ТАСС). Финляндияда атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатига шу вақтгача 670 мингдан ортиқ киши қўл қўйди.

Грецияда фашистлар террори

АФИНА, 15 август. (ТАСС). Афина ҳарбий трибуналида касаба союзлари арбобларидан 118 киши устидан суд бошланди. Улар компартияда а'зо бўлишда ва «мавжуд ижтимоий тузумга қарши бўлган фикрларни тарғиб қилишда» айбланадилар.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари Б. РАҲМОНОВ.

Қисқа сатрларда

◇ Ўтган икки ой ичида Тошкент эксперименталь пахта заводининг ишчи, хизматчи ва илмий ходимлари, шунингдек уларнинг оила а'золаридан 100 дан ортиқ киши Жанубий Қозоғистон областининг Боғистон тоғларидаги энг кўркам жойларда дам олди. Яқин бир ой ичида бу ерда яна 50 киши дам олади.

Р. Исҳоқов.

◆ Норин район, Норинкапа қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозда болалар боқчаси учун 8 хонали кўркам бино қуришга киришилди. Яқин ойлар ичида бу бино битказилади.

А. Мўминов.

◆ «Узбеккнижторг»нинг Марғилон бўлими бирнеча автомашинада кўчма киоскалар ташкил қилиб, Охунбобоев, Бағдод, Бувайда, Тошлоқ ва бошқа район колхозларига чиқариб юборган эди. Қисқа муддат ичида бу киоскалар колхозларга ва колхозчиларга 20 минг сўмлик ҳархил китоб сотди.

М. Владимиров.

◆ Наманган область, Учқўрғон районидаги Каганович номли колхозда колхоз правлениеси учун 20 хонали янги бино қурилди. Унинг ёнидаги чойхона ва кутубхоналар яхши жиҳозланди.

Қ. Ғойибназаров.

Ўзбекистон ССР Прокуратурасида

Район прокуратурасига тушган ма'лумотларни текшириш натижасида, Охунбобоев район ипакчилик идорасининг Марғилон шаҳридаги 2-нчи қабул пунктида мудир бўлиб ишлаган Мўллажонов пилла топширучилардан пилла ни қабул қилиб олишда тарозидан уриб, қабул қилинган пилланинг миқдорини камайтириб ёзганлиги, нотўғри квитанциялар берганлиги ма'лум бўлди. Масалан, Муллажонов Тиллабой Азимовга 5,1 килограмм, Раҳмонали Мирзаевга 3,1 килограмм, Холихон Мансуровага 2,1 килограмм, Шаҳрибону Бобожоновага 3,5 килограмм. Толибоевага 10 килограмм кам ёзиб квитанция берган.

Қабул пунктини ҳужжатлар асосида текшириб кўрилганда, ана шундай алдаш йўли блан 537 килограмм ошиқча пилла тўплаганлиги ма'лум бўлди. Пилла топширучиларни алдаб, пиллани кам ўлчаганлиги учун Муллажонов қамоққа олинди ва жиноий жавобгарлиги тортилди. Бу иш судга кўриш учун топширилди.

Шу муносабат блан шаҳар ва район прокурорларига пилла топширучиларни алдаш ва пиллани талон-торож қилиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш тўғрисида кўрсатма берилди.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 17 августда **Алпомиш.**

Тез кунда премьера — **Ипак қиз.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—**Ғ. Камол номидаги Татар давлат Академик театрининг сўнгги гастрольлари** — 18 августда **Хожи афанди уйланади,** 20 августда **концерт.** Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«РОДИНА», «ВАТАН», ёзги «ИСКРА», «УДАРНИК» кинотеатрларида—янги бадиий чехословак фильми **Эски Прага қаҳрамонлари.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Степан Разин.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Тақиқланган қўшиқлар.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Қор фантазияси,** бошқа залларда **Эски Прага қаҳрамонлари.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Темур ва унинг командаси,** кечқурун **Осмон секинюрари.**

«ХЕВА» — **Доктор Калюжний.**

КИРОВ РАЙОН ПРОМКОМБИНАТИ

матрац, кўрпа, ёстиқ, махсус кийим сингари буюмларни КЎПЛАБ ТИКИШ УЧУН

ҳамма ташкилотлардан

ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бу буюмлар учун комбинат ўз пахтасини ишлатади.

Олиф, лак ва бўёқлар тайёрлаб бериш учун ҳам заказлар қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Лабзак кўчаси, 76-нчи уй.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

19 августда

Қирғизистон ССР

давлат

халқ хорининг

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ

Қатнашадилар: Қирғизистон ССР халқ артисти **Сайра Киизбоева,** республикада хизмат кўрсатган артист **Мисқал Умурқанова,** демократик ёшларнинг Прагадаги Халқаро фестивали қатнашчиси **Назира Тойгомбоева** (лирик-колоратур сопрано). Ленин орденли Қирғизистон опера ва балет театрининг балет солистлари **Эркин Мигенилова, И. А. Кабеков** ва бошқалар.

Программани **Темирбеков** олиб боради.

Билетлар ҳозирдан сотилмоқда. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

СТЕНОГРАФИЯ

ВА МАШИНАДА ЁЗУВ РЕСПУБЛИКА КУРСИ

ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курснинг адреси: Тошкент шаҳар, Красноармейская кўчаси блан Воскресенский переулок бурчагида. Ҳар куни кеч соат 6 дан 8 гача учрашилсин.

ПУЛНИ ОМОНАТ КАССАДА САҚЛАШ ФОЙДАЛИ, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИДИР

Омонат кассалари

омонатлар қабул қиладилар

ва омонатчиларнинг ёки вакилларининг биринчи талаби бланоқ қайтарадилар.

Омонат кассага а'зо бўлган киши ўзига керакли буюмларни сотиб олиш, курортга бориш ва ҳоказолар учун зарур бўлган пулни жамғариши мумкин.

Омонат кассалари омонатчиларга ютук ва процентдан иборат даромад тўлайдилар.

ЭГАСИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА САҚЛАНАДИГАН, ШАРТЛИ ВА ЖОРИЙ СЧЕТЛАРГА КЎЙИЛАДИГАН ОМОНАТЛАР

юзасидан йилига 3 процент миқдорида даромад тўланади.

Камида 6 ой муддатига қўйиладиган

МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР

юзасидан йилига 5 процент миқдорида даромад тўланади.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

юзасидан даромад ютуқлардан иборат тўланади. Ютуқли омонатлар бўйича йилига икки марта (апрель ва октябрь ойларида) ютуқ тиражлари ўтказилади. Ютуқли омонат дафтарчаларининг ҳар 1000 тасига 25 ютуқ, шу жумладан: ярим йил давомида сақланган ўртача омонатнинг 200 проценти миқдорида 1 ютуқ, 100 проценти миқдорида 2 ютуқ ва 50 проценти миқдорида 22 ютуқ ўйналади.

Омонат кассалари омонатчиларнинг ўзлари ва уларнинг омонатлари ҳақидаги ма'лумотларни сир сақлайдилар.

Давлат меҳнат омонат кассаларига ишонилган пул ва қимматдорларнинг тўла-тўкис сақланишини СССР Ҳукумати та'минлайди.

Пулларингизни омонат кассада сақлангиз!

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

доим ишлаш учун

қуйидаги малакали ишчилар: **слесарьлар, токарьлар, фрезерчилар, рандаловчилар, қолипчилар, залившиклар, вибившиклар, газосваршиклар, электросваршиклар, прессчилар, шоферлар, ғилдираксоз, дурадгорлар, ғишт теручилар, юкчилар.**

шунингдек мустақил балансга малакали старший бухгалтерлар

КЕРАК

Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (2-нчи трамвайнинг «Гидростанция» остановкаси ёнида).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 04681. «Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1137.